

**“ТИҚХММИ” МТУ хузуридаги
ПКҚТ ва УМО тармоқ маркази**

**ТРАКТОР ВА АВТОМАБИЛ
ТИЗИМЛАРИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР**

2022



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ТРАКТОР ВА АВТОМОБИЛ
ТИЗИМЛАРИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР”
модули бўйича**

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент 2022

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7-декабрдаги 648-сонли бўйруғи билан масдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишилаб чиқилган.

Тузувчилар: Умиров Н.Т. – Тракторлар ва автомобиллар кафедраси доценти

Амонов М.О. – Тракторлар ва автомобиллар кафедраси доценти

Тақризчи: Бон Т. – АҚШ Шимолий Дакота штати университети профессори

Ўқув - услугий мажмуа Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти кенгашининг 2021 йил 23-декабрдаги 12-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур.....	4
II. Модулни ўқитишида фойдаланиладиган интрефаол таълим методлари	10
III. Назарий материаллар.....	20
IV. Амалий машғулотлар материаллари.....	69
V. Кейслар ва тест топшириқлари	80
VI. Глоссарий	81
VII. Адабиётлар рўйхати	84

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди. Дастур мазмuni олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ушбу дастурда қишлоқ хўжалигидаги асосий энергетик восита ҳисобланган трактор ва автомобилларни қишлоқ хўжалигидаги ўрни, уларда фойдаланилган двигателлар ва тракторни бошқа қисмлари тузилишидаги янги ечимлар, уларнинг механизм ва тизимлари ишлаш хусусиятлари баён этилган. Дастурда шунингдек бошқа турдаги трактор ва автомобилларни қишлоқ хўжалигига фойдаланилишига тааллукли маълумотлар ҳам келтирилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Трактор ва автомобиллар тизимларидағи инновациялар” модулининг мақсад ва вазифалари:

Мақсади: қишлоқ хўжалиги трактор ва автомобилларининг двигателлари ва трансмиссия қисмлари тузилишидаги янги ечимлар ва уларнинг ишлашини ўзига хос хусусиятлари хақида билимларга эга бўлиш билим, кўникма ва малакани шакллантиришdir.

Вазифаси: трактор ва автомобиллар механизмлари, тизимлари ва трансмиссия ишлашини текшириш, уларни синаш ва ростлаш бўйича амалий кўникмаларини хосил қилиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Трактор ва автомобил тизимларидағи инновациялар” курсини ўзлаштириш жараёнида доирасида:

Тингловчи:

- қишлоқ хұжалигіда фойдаланиладын трактор ва автомобиллар двигателлари ролі. Двигатель механизмлари ва тизимларидағи инновациялар ва уларни ишлаш принциплерини;
- ривожланган ҳорижий мамлакатларда фойдаланиладын замонавий тракторлар ва автомобиллар ривожланишининг асосий йұналишларини **билиши керак**;

Тингловчи:

- Common Rail электрон ёнилғи узатыш тизими ва цилиндрларга инжекторлы ёнилғи берилешини бошқариш;
- трактор ва автомобиллар двигателларида құлланилған электрон тизимлардан фойдаланиб уларни экологик құрсаткичларини яхшилаш **бүйіча күнікмаларига ега бўлиши лозим**;

Тингловчи:

- Трактор ва автомобиллар трансмиссиялари бошқариш механизми гидравлик жиҳозлари, ишчи ва ёрдамчи жиҳозлари, қувват олиш вали, тиркама мосламасидан фойдаланиш мосламаларидан фойдаланиш
- Трактор ва автомобиллардан фойдаланилған электрон тизимлари ва датчикларидан фойдаланиш **малакаларига ега бўлиши лозим**.

Тингловчи:

- қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришида трактор ва автомобиллар құрсаткичларини аниқлашда компьютер дастурларидан фойдаланиш ва олинган натижаларни баҳолаш;
- республикада ва хорижда қишлоқ хұжалиги трактор ва автомобилларига алоқадор илмий тадқиқотлар ҳақида маълумотга ега бўлиш ва уларни таҳлил қилиш **бүйіча компетенцияларига ега бўлиши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бүйіча тавсиялар

“Трактор ва автомобилл тизимларидағи инновациялар” курси маъруза, амалий ва кўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари құлланилиши назарда тутилған:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва мультимедиа технологияларидан;
- ўтказиладын амалий ва кўчма машғулотларда лаборатория жиҳозларидан техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги.

“Трактор ва автомобиль тизимларидағи инновациялар” модули мазмуни ўқув режадаги “Қишлоқ хұжалигида технологиялар ва машиналар” ва “Қишлоқ хұжалиги техник тизимлари менежменти” ўқув модуллари билан узвий боғланған ҳолда педагогларни қишлоқ хұжалиги тракторлари ва автомобиллари бүйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қылади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар қишлоқ хұжалиги трактор ва автомобиллари тузилиши ва ишлашига, улар күрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилишга, улар иш сифатини бақолаш ва ростлаш бүйича кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар.

Модул бүйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				Кўчма машҳулот	
		Аудитория ўқув юкламаси		жама	жумладан		
		Назарий	Амалий машгулот				
1	2	4	5	6	7		
1.	Трактор ва автомобилларни қишлоқ хұжалигидаги ўрни. Қишлоқ хұжалик тракторлари ва двигателлари. Двигателлар механизмлари тузилишидаги янги конструктив ечимлар	4	2	2			
2.	Трактор ва автомобиллар двигателлари тизимлари тузилишидаги янги конструктив ечимлар. Двигателларда фойдаланилган электрон тизимлар	6	2	4			

3.	Трактор ва автомобиллар трансмиссияси	2	2		
4.	Трактор ва автомобиллар узатмалар құтиси	4	2	2	
5.	Тракторлар ва двигателларни синовдан үтказиш усуллари ва синов натижаларини таҳлил қилиш. Тракторлар ва двигателлар күрсаткичларини хисоблаш орқали аниқлаш				4
	Жами:	16	8	8	4

НАЗАРИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Трактор ва автомобилларни қишлоқ хұжалигидаги ўрни. Қишлоқ хұжалик тракторлари ва двигателлар. Двигателлар механизмлари тузилишидаги янги конструктив ечимлар

- 1.1. Трактор ва автомобилларни қишлоқ хұжалигидаги ўрни.
- 1.2. Қишлоқ ва сув хұжалигіда құлланилаётган янги инновацион тракторлар ва автомобиллар ва уларнинг двигателлари ҳақида умумий маълумотлар.
- 1.3. Қишлоқ ва сув хұжалигіда ишлатиладиган тракторларнинг техник характеристикалари.
- 1.4. Тракторлар ва двигателлар ишлаб чиқарувчи хорижий компаниялар ва махаллий корхоналар.
- 1.5. Двигателлар компановкаси, кривошип-шатун ва газ тақсимлаш механизмидаги янги конструктив ечимлар.

2- Мавзу: Трактор ва автомобиллар двигателлари тизимлари тузилишидаги янги конструктив ечимлар. Двигателларда фойдаланилған электрон тизимлар

- 2.1. Двигателларни мойлаш ва совутиш тизимидағи янги конструктив ечимлар ва уларни ишлаши.
- 2.2. Двигателларнинг таъминлаш тизимидағи янги конструктив ечимлар ва уларни ишлаши.
- 2.3. Мобил энергетик воситалар ва двигателларда фойдаланилған электрон тизимлар ва датчиклар

3 - Мавзу: Трактор ва автомобиллар трансмиссияси

- 3.1. Мобил энергетик воситаларнинг трансмиссиялари.
- 3.2. Фидиракли тракторлар трансмиссияси ташкил этувчилари.
- 3.3. Занжирли тракторлар трансмиссияси ташкил этувчилари.
- 3.4. Автомобил трансмиссияси ташкил этувчилари.

3.5.Трактор ва автомобилларни бошқариш механизми,юриш қисми,ишчи ва ёрдамчи жиҳозлари.

3.6.Тракторлар ва бошқа ўзиорар машиналарда фойдаланилган замонавий гидравлик жиҳозлар уларнинг афзаликлари.

3.7.Тракторларни агротехник кўрсаткичлари тупроқни зичлаштириш,агротехник тирқиши,кувват олиш вали ва тиркама мосламаси.

4- Мавзу: Трактор ва автомобиллар узатмалар қутиси

4.1.Узатмалар қутиси кинематик схемалари ва турлари.

4.2.Узатмаларни юриб кетаётганда алмашлаб қўшиладиган узатмалар қутиси гидравлик механизми.

4.3.Автоматик тарзда ишловчи узатмалар қутиси.

Гидротрансформаторлар.

4.4.Трактор тузилишидаги ва уни ишини бошқаришдаги янги конструктив ечимлар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

1-Амалий машғулот.Хорижий двигател мисолида механизмлар тузилиши ва ишлашини ўрганиш(2- соат)

2-Амалий машғулот. Хорижий двигатель мисолида мойлаш ва совитиш тизимлари тузилиши ва ишлашини ўрганиш (2- соат)

3-Амалий машғулот. Хорижий двигатель мисолида таъминлаш тизимлари тузилиши ва ишлашини ўрганиш (2- соат)

4-Амалий машғулот. Хорижий трактор мисолида узатмалар қутиси тузилиши ва ишлашини ўрганиш (2- соат)

5- Кўчма амалий машғулот. Тракторлар ва двигателларни синовдан ўтказиш усуларини ўрганиш ва синов натижаларини таҳлил қилиш. (4- соат)

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникалари ва технологияларини сертификациялаш ва синаш давлат марказида ва Қишлоқ хўжалиги техникалари заводида трактор ва двигателларни синовдан ўтказиш,уларнинг кўрсаткичларини хисоблашда ва стимуляция қилишда компьютер дастурларидан фойдаланиш жараёни билан танишиш, синовдан ўтказилган трактор кўрсаткичларини ўрганиш ва синов натижалари таҳлил қилиш.

ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва педагогик технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган янги техник ечимлар бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (инновацион ечимлар бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).
- кўчма машғулотлар (трактор ва двигателларни синовдан ўтказиш бўйича билимларни мустаҳкамлаш, мавжуд жиҳозлар билан яқиндан танишиш)

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Интерфаол (Interactive) сўзидан олинган – сухбатли маъносини билдиради. **Интерфаол** таълим бериш - сухбатли таълим бериш, бунда таълим берувчи ва таълим олувчининг ўзаро ҳаракати амалга оширилади.

Интерфаоллик даража қанча юқори бўлса, таълим бериш жараёни шунча натижали бўлади. Қишлоқ хўжалик мобил энергетик воситалари модулини ўқитишида куйидаги интерфаол методлардан фойдаланиш мумкин.

Кластер методи


Кластер – тутам, боғлаш маъносини билдиради. Кластер маълумот харитасини тузиш воситаси – барча фикр конституциясини фокуслаш ва аниқлаш учун қандайдир асосий омил атрофида ғояларни йигади. Билимлар фаоллашишини таъминлайди, мавзу бўйича фикрлаш жараёнида янгича ассоциация тақдим этишга эркин ва очик кириб боришга ёрдам беради.

Кластерни тузишда синф доскаси ёки катта қоғоз варағи марказида калит сўзлар 1 – 2 сўздан иборат мавзу номланиши ёзилади.

Калит сўзлар билан ассоциация бўйича ён томонидан кичкина ҳажмдаги айланага “йўлдошлар” ёзилади – ушбу мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмаси. Улар чизиқ билан “бош” сўзга боғланилади. Ушбу “йўлдошлар”да “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин ва бошқалар. Ёзув ажратилган вақт тугагунга ёки ғоя йўқотилмагунча давом эттирилади.

Кластер намунаси

Двигателлар мойлаш тизими элементлари учун кластер



Тоифа-мавжуд ҳолат ва муносабатларни акс эттирадиган умумий белги.

- ажратилған белгиларга күра олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди;
- тизимли мушоҳада қилишни, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.

Тоифали шарҳни тузишда дастлаб уни тузиш қоидалари билан танишилади. Янги ўқув материали билан танишилгандан кейин олинган маълумотлар фрагментларини бирлаштиришга имкон берадиган тоифаларни излаш ишлари олиб борилади. Бунда гурухни мини гурухларга ажратиш ва ақлий хужумдан фойдаланиш мумкин.

Тоифалар жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Фоя маълумотлар жадвалида тегишли тоифалар бўйича тақсимланади. Иш жараёнида маълум бир тоифалар номлари ўзгартирилиши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин. Иш якунида олинган натижа тақдимот қилинади.

Тоифали жадвал намунаси

Тракторлар учун тоифали жадвал

Қишлоқ хўжалик тракторлари		
Умумий ишларни бажарувчи тракторлар	Универсал чопиқ тракторлари	Ихтисослашган тракторлар

Концептуал жадвал методи

Концептуал жадвал - ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, қараш, мавзува шу кабиларни икки ва ундан ортиқ жиҳат бўйича таққослаш имконини беради. Тизимли мушоҳада қилиш, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.

Концептуал жадвал тузишда дастлаб уни тузиш қоидалари билан танишилади. Таққосланадиган нарса аниқланади, таққослаш амалга ошириладиган тавсифлар ажратилади.

Якка тартибда ёки мини - гурухларда концептуал жадвал қурилади ва тўлдирилади;

- вертикал бўйича - таққослаш талаб этиладиган нарсалар (қарашлар, назариялар) жойлаштирилади

- горизонтал бўйича - таққослашни амалга оширишдаги ҳар хил тавсифлар жойлаштирилади. Иш якунида олинган натижа тақдимот қилинади.

Концептуал жадвал намунаси

Мобил энергетик воситалар двигателлари учун концептуал жадвал

Мобил энергетик воситалар двигателлари турлари	Тавсифлар, тоифалар, хусусиятлар, ажралиб турадиган белгилар ва бошқалар						
Карбюраторли двигателлар							
Дизеллар							

T- жадвал методи

T – жадвал - битта концепция (маълумот)нинг жихатларини ўзаро солишириш ёки уларни (ҳа/йўқ, ҳа/қарши) афзаллик/камчиликларини аниқлаш учун ишлатилади. Бу жадвал танқидий мушоҳадани ривожлантиради, у кўпроқ якка тартибда расмийлаштирилади.

Олдин T – жадвал қоидалари билан танишилади. Ажратилган вақт оралиғида якка тартибда (ёки жуфтликда) тўлдиради, унинг чап томонига сабаблари ёзилади, ўнг томонига эса чап томонда ифода қарама – қарши гоялар, омиллар ва шу кабилар ёзилади.

T-жадвал намунаси

Дизеллар учун Т-жадвал

Афзалликлари	Камчиликлари

Топшириқ якунида тузилган жадваллар таққосланиб барча ўқув гурухи ягона учун ягона Т – жадвал тузилади.

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



Намуна: Двигателларда фойдаланилган электрон ёнилғи узатиш тизимини SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Двигателларда электрон ёнилғи узатиш тизимидан фойдаланишнинг кучли томонлари	Цилиндрда ёниш жараёнини ва тежамкорликни яхшиланиши ...
W	Двигателларда электрон ёнилғи узатиш тизимидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Двигател конструкциясини мураккаблашиши ...
O	Двигателларда электрон ёнилғи узатиш тизимидан фойдаланишнинг имкониятлари	Электроник тизим турли ечимлар учун имкониятни кенгайтиради ...
T	Тўсиқлар (ташқи)	Бундай тизим билан техникадан фойдаланувчиларнинг таниш эмаслиги ...

Хулосалаш (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласи;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзуз якунланади.

Намуна:

Двигателларда фойдаланилган газ тақсимлаш механизмлари			
2 клапанли		4 клапанли	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:			

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна

Фикр: “Двигател цилиндрлариға ҳавони босим билан киритиш
двигател қувватини оширишнинг асосий усулларидан биридир”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ
орқали таҳлил қилинг.

Венн диаграммаси методи


Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни
ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири
орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар,
тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши,
уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниqlаш, таққослаш
имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга
бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг
ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиши
таклиф этилади;

Намуна:

Дизеллар мойлаш тизимида ишлатилган фильтрлар



- навбатдаги босқичда иштирокчилар түрт кишидан иборат кичик гурұхларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик үз таҳлили билан гурұх айзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашып, күриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмiga ёзадилар.

«Нима учун?» схемаси


«Нима учун?» схемаси - муаммонинг дастлабки сабабини аниқлаш бўйича бир бутун қатор қарашларни үз ичига олади. Тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш қўнималарини ривожлантиради. Топшириқни беришдан олдин «Нима учун?» схемасини тузиш қоидалари билан танишилади.

Якка тартибда (жуфтликда) муаммо шакллантирилади. «Нима учун?» сўроғи билан стрелка чизилади ва ушбу саволга жавоб ёзилади. Ушбу жараён муаммони келтириб чиқарган илдиз яширган сабаби ўрнатилмагунча давом эттирилади. Топшириқни бажариш жараёнида талабалар мини-гурӯхларга бирлашади, үз схемаларини таққослайди ва

күшімчалар кириладылар, маълумотларни умумий схемага жамлайды. Натижалар тақдимоти қилинады.

«Нима учун?» схемаси намунаси

Дизеллар мойлаш тизими учун «Нима учун?» схемаси



“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;

аниқлаштириш ва ўқув топширигини белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс топшириғи. Кишлоқ хўжалигида ишлатиладиган трактор ва мавтомобиллар дизелларининг таъминлаш тизимида кўп учрайдиган қуидаги носозликларга эътибор қаратинг:

1. Дизелни юргизиб юбориш имкони бўлмаяпти
2. Дизел нотекис ишлайяпти ва тўлиқ қувватга эриша олмаяпти
3. Дизел тутаб ишлайяпти (глушителдан қора тутун чиқиши кузатилияпти)
4. Дизел тўсатдан ўчиб қолаяпти
5. Дизел тақиллаган овоз чиқариб ишлайяпти
 - Ушбу носозликларни кўп ёки кам учрашини аниқланг, уларни даражаларга бўлинг ва носозликлар таҳлилини жадвал кўринишида амалга оширинг.
 - Носозликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқинг.
 - Носозликлар ва уларни бартараф этиш бўйича хулосалар ёзинг.

Кейсни бажариш босқичлари :

- Кейсдаги муаммоларни келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гурӯҳда).
- Кейса келтирилган муаммоларни бартараф қилишда бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-Мавзу: Трактор ва автомобилларни қишлоқ хўжалигидаги ўрни.

**Қишлоқ хўжалик тракторлари ва двигателлар. Двигателлар
механизмлари тузилишидаги янги конструктив ечимлар**

Режа:

1. Трактор ва автомобилларни қишлоқ хўжалигидаги ўрни.
2. Қишлоқ ва сув хўжалигига қўлланилаётган янги инновацион тракторлар ва автомобиллар ва уларнинг двигателлари ҳақида умумий маълумотлар.
3. Қишлоқ ва сув хўжалигига ишлатиладиган тракторларнинг техник характеристикалари.
4. Тракторлар ва двигателлар ишлаб чиқарувчи хорижий компаниялар ва махаллий корхоналар.
5. Двигателлар компановкаси, кривошип-шатун ва газ тақсимлаш механизмидаги янги конструктив ечимлар.

Таянч иборалар: қишлоқ хўжалиги, автомобиллар, тракторлар, двигателлар, тракторни тортиши кучи, трактор синфи, двигатель

механизмлари, кривошип-шатун ва газ тақсимлаш механизмлари.

Қишлоқ хўжалиги озиқ овқат маҳсулотлари етиштирувчи асосий соҳалардан бири ҳисобланади. Дунёнинг кўпчилик давлатларида қишлоқ хўжалигини ривожлантирмасдан туриб мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш бирмунча мураккаб ҳисобланади. Ўзбекистонни дунёнинг шундай давлатлари қаторига киритиш мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистон республикасида ялпи ички маҳсулотдаги қишлоқ хўжалигининг улуши тахминан 17% ни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигида агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш фермер хўжаликларини техника билан таъминланганлиги ёки техникалардан фойдаланиш имконияти мавжудлигига боғлиқ. Ҳозирги кунда тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналаридан ерни шудгор қилишдан бошлаб ҳосилни йиғишириб олгунча бўлган механизациялашган турли технологик жараёнларни бажаришда кенг фойдаланилади. Тракторлар мобил энергетик восита сифатида қишлоқ хўжалик машиналарини ҳаракатга келтиради ёки юкларни ташишда ишлатилади. АҚШ қишлоқ хўжалик ва биологик тизим инженерлари асоссациясининг хуносасига кўра қишлоқ хўжалигини механизациялаш 20 асрдаги инсоният учун энг муҳим 20та инженерлик ечимлари орасида компььютерлар, телефон алоқаси ва космик ракеталар каби соҳалардан олдин 7 ўринни эгаллаган¹. Қишлоқ хўжалидаги энг асосий мобил энергетик восита тракторлар қишлоқ хўжалигини механизациялаш ишларини ташкил қилишда асосий ишни бажаради. Ўсимликларни парваришилашда агротехник тадбирларни ўз вақтида бажармаслик оқибатида 30% гача ҳосил йўқотилади. 2013 йилги маълумотларга асосан Ўзбекистонда 1 тракторга тўғри келадиган ҳайдаладиган ер майдони 317 га, 1 комбайнга тўғри келадиган ғалла майдони 304 га ни ташкил қилган. Бу ривожланган давлатлардаги кўрсаткичлардан анча паст. Масалан, 2010 йилда 1 тракторга тўғри келадиган ҳайдаладиган ер майдони Германияда 19 га, АҚШда 55 га, Канадада 63 га, Россияда 236 га ни ташкил этган.

Тракторларни асосий кўрсаткичларидан бири номинал тортиш кучи бўлиб, шу тортиш кучи қийматига кўра қишлоқ хўжалик тракторлари 10 синфга бўлинади (куйидаги 1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Қишлоқ хўжалик тракторларининг тортиши синфлари

¹ Goering C.E., Stone M.L., Smith D.W., Turnquist P.K. Off road vehicle engineering principles. ASAE, USA 2006, p.1

Тортиш синфи	Номинал тортиш кучи, кН
0,2	1,8 ... 5,4
0,6	5,4 ... 8,1
0,9	8,1 ... 12,6
1,4	12,6 ... 18
2	18 ... 27
3	27 ... 36
4	36 ... 45
5	45 ... 54
6	54 ... 72
8	72 ... 108

Номинал тортиш кучи катта бўлган тракторлар массаси одатда катта бўлиб уларга нисбатан катта қувватли двигателлар ўрнатилади, бу тракторлар номинал тортиш кучи кичик бўлган тракторларга нисбатан кўпроқ иш бажара олади. Турли тракторлар билан бажарилган иш ҳажмини бир-бирига солиштириш, нормалар ишлаб чиқиш, шунингдек иқтисодий ҳисоблашларни бажаришда **эталон трактор** ва **эталон гектар** терминларидан фойдаланилади.

Эталон трактор бу шартли трактор ҳисобланиб, бу трактор смена вақтининг бир соатида 1 эталон гектар майдонни шудгор қила олади. ДТ-75 ва Т-74 тракторлари кўрсаткичлари айнан эталон трактор кўрсаткичларига мос келади. Ҳар бир маркадаги трактор учун одатда шартли эталон тракторга ўтказиш коэффициенти мавжуд.

Хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган тракторлар двигатели қувватига кўра 4 категорияга бўлинади (қуйидаги 2-жадвалга қаранг). Ушбу категорияларга боғлиқ равишда тракторни тортиш синфини белгилаш мумкин. Тракторни номинал тортиш кучини трактор эксплуатацион массасига қараб аниқлаш мумкин ва шунга кўра ҳам трактор тортиш синфини белгилаш мумкин бўлади.

Тракторни номинал тортиш кучини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$P_{\text{ил ном}} = A^x m_0, \text{ кН}$$

бу ерда, A - трактор турига ва массасига қараб белгиланадиган коэффициент; m_0 - тракторни эксплуатацион массаси, кг.

2-жадвал

*Хорижий давлатларда ишилаб чиқарилган қишлоқ хўжалик тракторларининг
тортиши синфлари*

Двигател қуввати бўйича категория	I	II	III	IV
ISO стандарти бўйича аниқланган ҚОВ даги қувват қиймати, кВт	< 48	< 92	80...185	150...350
Тракторни тортиш синфи	0.2; 0.6; 0.9	0.9; 1.4; 2	2; 3; 4	5; 6; 8

Эксплуатацион массаси 2600 кг гача бўлган қишлоқ хўжалик тракторлари учун $A = 0.00324$; эксплуатацион массаси 2600 кг дан катта икки ғилдираги етакчи бўлган тракторлар учун $A = 0.00373$, тўрт ғилдираги етакчи бўлган тракторлар учун $A = 0.00392$; занжирли тракторлар учун $A = 0.0049$. Тракторни эксплуатацион массаси номаълум бўлса уни аниқлаш учун конструктив массани ғилдиракли тракторларда 1.15 га занжирли тракторларада 1.08 га қўпайтирилади.

Тракторларни таснифлашда бажарадиган ишига қараб 3 гурӯҳга бўлиш мумкин.

Умумий ишларни бажарадиган тракторлар ерларни шудгор ва планировка қилишда, экишга тайёрлаш (чизеллаш, бороналаш ва молалаш)да ишлатилади. Бу тракторлардан далаларга органик ўғит сочиш ва айrim экинларни экиш, ем-хашак экинларини йиғиштириб олиш жараёнларида ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда **T-7060, Arion-630C, TS-6.140, TS-135, МТЗ-1221.2** ва бошқа умумий ишларни бажарадиган тракторлардан фойдаланилмоқда.

Универсал чопик тракторларидан экин экишда, жўяқ олишда, минерал ўғит сочишда, юкларни ташишда, ем-хашак экинларини йиғиштириб олишда ва пресслашда, ўсимликларга кимёвий ишлов беришда ва бошқаларда фойдаланилади. Бу тракторлар қамров кенглиги нисбатан кичик бўлган қишлоқ хўжалик машиналари билан бирга ерни шудгор қилишда ва экин экишга тайёрлашда ҳам ишлатилиши мумкин. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда **МТЗ-1025, TD-5.110, TL-100, LS PLUS-100, LS-1004, Axos-340C, МТЗ-82, МТЗ-80** ва бошқа универсал чопик тракторларидан фойдаланилмоқда.

Ихтисослашган тракторлар маълум бир экин турини етиштиришда, қишлоқ хўжалигининг кичик ихтисослашган соҳасида (м.: пахтачилик, боғдорчилик) ёки ҳудудда (м.: тоғли ҳудудда) ишлатиш учун мўлжалланган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда **МТЗ-80Х, TTZ-100НС,**

Axos-340C каби ихтисослашган уч ғилдиракли тракторлар қатор ораларига әкилиб ўстириладиган әқинлар (м. ғүза, маккажүхори ва бошқалар)ни әкишда, жүяк олишда, қатор ораларига ишлов беришда, минерал ўғитларни сочишда, ўсимликтарга кимёвий ишлов беришда ва бошқа ишларни бажаришда ишлатилади. Ихтисослашган **ТТ-40** тракторидан боғларда фойдаланилади.

Юриш қисми конструкциясига кўра

- **ғилдиракли ва занжирли** тракторлар мавжуд.

Қишлоқ хўжалигига маълум бир ишни бажариш учун фойдаланиладиган **машино-трактор агрегати (МТА)** одатда трактор ва унга тиркалган қишлоқ хўжалик машинасидан ташкил топган МТА таркибидаги тракторларга қуйидаги талаблар қўйилади.

Технологик жараён талаблари (агротехник талаблар)

- Юриш қисмининг тупроқ юзасига босими кам бўлиши
 - занжирли тракторлар учун 0,045 МПа дан кичик
 - ғилдиракли тракторлар учун 0,08-0,11 МПа
- Нисбатан кичик ҳаракатланиш тезлигига эриша олиши
- Кўплаб қишлоқ хўжалик машиналари билан агрегатланиш имконияти мавжудлиги
- МТАнинг оҳиста ва тўғри чизиқли текис ҳаракатлана олиши
- Ҳаракатланишда яхши маневр қила олиши, бурилиш радиуси қиймати кичик бўлиши
- Керакли агротехник ва йўл тирқиши (клиренс)га эга бўлиши

Техник-иқтисодий талаблар

- Юқори иш унумдорлигига эга бўлиши (у қуйидаги омилларга боғлиқ):
 - трактор тортиш кучига;
 - узатмалар сони ва оралиғига;
 - юриш қисмини шатаксирашига;
 - агрегатнинг қамров кенглигига;
 - ҳаракатланиш тезлигига.
- Юқори тежамкорликка эга бўлиши, яъни бир бирлик иш ҳажмини бажариш учун нисбатан кам ёнилғи сарфлаши
- Фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш ва сақлаш харажатлари нисбатан паст бўлиши

Умумтехник талаблар:

- Яхши ишончлиликка эга бўлиши
 - чидамлилиги/узоқ муддат ишлай олиши
 - хизмат муддати (8-12 йил)

- ресурси, наработка (м.: 8000-10000 с МДХ ва 12000 с Европа ва АҚШ компаниялари томонидан и/ч тракторлар учун)
 - бузилмасдан ишлай олиши
 - таъмирлаш имконияти мавжудлиги
- Техник хизмат кўрсатишнинг осонлиги ва қулайлиги

Меҳнатни муҳофаза қилиш, харакат ҳавфсизлиги ва атроф мухитни ҳимоя қилиш бўйича талаблар:

- Тракторист/механизатор учун қулайликлар
 - ўриндик, кабинадаги микроклимат ва шовқин даражаси
- Бошқариш ричаглари холатини ўзгартирининг осонлиги ва қулай жойлашиши
- Тормоз механизмини ишончли ишлаши
- Атроф муҳитни ифлослантиришда чегаравий ва кичик кўрсаткичларга эришиш

Бугунги кунда Тошкент қишлоқ хўжалик техникаси заводида Жанубий Кореяning LS Mtron компанияси билан ҳамкорликда, УзКЛААС Агро ва УзКейстрактор қўшма корхоналарида Германияning Claas ва АҚШнинг Case New Holland компаниялари билан ҳамкорликда тракторлар ишлаб чиқарилмоқда. Ўзбекистонда кенг фойдаланилаётган тракторларни техник характеристикалари презентация слайдларида келтирилган.

Дунёда мобил энергетик воситалар учун двигателлар ишлаб чиқарувчи кўплаб компаниялар мавжуд. Англияning Perkins ва АҚШнинг Cummins компанияларини двигателлар ишлаб чиқариш бўйича дунёning етакчи компаниялари ҳисобланади.

Perkins компанияси 1932 йилда Англияning Питерборо шахрида ташкил қилинган. 1960 йиллар охирида компания Massey Ferguson компанияси таркибига қўшилган. Ҳозирги кунда Perkins Caterpillar корпорацияси таркибига қўшилган. Perkins бренди билан 400 (2, 3, 4 цилиндрли) 850 (4 цилиндрли), 1100 (3, 4, 6 цилиндрли), 1200 (4, 6 цилиндрли), 1500, 1700, 2200, 2500, 2800 (6 цилиндрли), 4000 (6, 8, 12, 16 цилиндрли) серияли дизеллар ва газ двигателлари ишлаб чиқарилади. Бу двигателлар конструктив ўлчамлари ва қуввати билан бир-биридан фарқ қиласи. Компания двигателларидан қишлоқ хўжалиги ва саноат тракторларида, комбайнлар ва бошқа машиналарда, генераторларда, денгиз кема ва катерларида фойдаланилади. Компанияни Англияning Питерборо, Страффорд, Шрюсберри шаҳарларида, шунингдек АҚШ, Бразилияда заводлари мавжуд.

Perkins компанияси двигателлари бугунги кунда 300 дан ортиқ турли қишлоқ хўжалик тракторларига ўрнатилади. Қишлоқ хўжалигига бу

компаниянинг 400 (8.8 - 49.3 кВт), 850 (63 - 90 кВт), 1100 (36.9 - 205 кВт), 1200 (61.5 - 225 кВт) серияли двигателларидан фойдаланилади. Компания Caterpillar, Massey Ferguson, Claas, Lindner, Landini, McCormick, Manitou, Hattat, Farmtrac, Iseki, Weidemann ва Stara каби тракторлар, бульдозерлар, комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарувчи компанияларга турли хилдаги двигателлар етказиб беради, бу компаниялар томонидан Perkinsнинг 500 мингдан ортиқ двигателлари ҳозирда ишлатилмоқда².

Cummins компанияси, қуввати 40...2000 кВт гача бўлган дизелларни ишлаб чиқаради ва бу двигателлар транспорт воситаларида, трактор ва комбайнларда, қурилиш машиналарида, генератор ва бошқа стационар агрегатларда, денгиз кема ва катерларида, ҳарбий техникаларда кенг қўлланилади. Дизеллардан ташқари компания ёнилғи фильтрлари, электрон тизимлар ва газ билан ишлайдиган двигателлар ҳам ишлаб чиқаради. Компания двигателлар яратиш, ишлаб чиқариш билан бирга уларнинг сервиси билан ҳам шуғулланади.

Cummins компанияси дунёдаги энг йирик Case New Holland, Iveco ва Komatsu каби стратегик шерик компаниялар билан ишлаб чиқариш алоқаларига эга. Бу иттифоқда двигателлар ишлаб чиқаришда Cummins асосий компания бўлиб, у катта тажрибага эгадир. Компания 1919 йилда АҚШнинг Индиана (Indiana) штати Columbus шаҳрида ташкил қилинган. 1919 йилда яратилган дастлабки двигател стационар агрегатда дон майдаловчи қурилмада ишлатилган, у тўрт тактли бўлиб қуввати атиги 6 от кучига тенг бўлган. Дастлаб яратилган двигателлар асосан фермерлар томонидан сотиб олинган. Кейинчалик ишлаб чиқарилган двигателлар денгиз катерларига, 1929 йилдан эса автомобилларга ўрнатила бошлаган. Ташкил қилинган пайтдан ҳозиргача Cummins АҚШдаги дизеллар ишлаб чиқарувчи асосий компаниялардан биридир³.


Компаниянинг чет элдаги дастлабки корхоналаридан бири 1956 йили Шотландияда ташкил қилинди. 1960 йилларнинг бошларида Европани бошқа давлатларида, Бразилия, Австралия, Хиндистон, Мексика ва Япония каби мамлакатларда ҳам ишлаб чиқариш заводлари қуриб ишга туширилди. Кейинчалик бу давлатлар сафига Туркия, Хитой, Корея ҳам қўшилди.

Бу компаниянинг двигателлари Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик тракторларида, ғалла ўриш комбайнларида, карьер юқ машиналарида ва стационар дизел генераторларда ишлатилмоқда.

² www.perkins.com

³ www.cumminsengines.com

Компания ишлаб чықараётган двигателлар қуввати, литражига кўра бир неча серияларга бўлинади. Бу сериялар лотин алфавити ҳарфлари билан белгиланади ва B, F, C, L, G, M, N, K, T, V, X, Z, W сериядаги двигателлар мавжуд.



1-расм. Симтінс компанияси двигателларининг литражи бўйича турлари
(горизонтал ўқда двигател қуввати от кучида)⁴

Хозирда энг кўп тарқалган двигателлар В ва С серияли двигателлар бўлиб, ер юзидаги уларнинг сони 2000000 дан ортиқдир. Қишлоқ хўжалигида тракторлар, комбайнлар ва бошқа машиналарда B, F, C, M, N, L, G, K, X сериядаги двигателлардан фойдаланилади. Турли сериядаги двигателлар тузилишида бир-бирига ўхшаш томонлар билан бирга бир-биридан фарқ қиласиган томонлари ҳам кўп. Маърузада В серияли двигателлар механизмлари тузилиши ва ишлашига тўхталамиз.

В серияда 3, 4 ва 6 цилиндрли двигателлар мавжуд. Дастлаб двигателнинг белгиланиши (маркаси) устида тўхталиб ўтамиз. Двигател маркаси масалан 4BTA-3.9 шаклида бўлиши мумкин. Бу ерда 4 сони двигателдаги цилиндрлар сонини, В ҳарфи двигател сериясини, Т ҳарфи двигателда турбокомпрессор ўрнатилганлигини (инглизча “Turbocharged” сўзидан), А ҳарфи двигателда турбокомпрессордан кейин цилиндрларга киритилаётган ҳаво оралиқ совитилаётганлигини (инглизча “Aftercooled” сўзидан), 3.9 сони эса двигател литражини билдиради. Автомобилларга ўрнатиладиган двигателлар сал бошқачароқ масалан B5.9-230 шаклида

⁴ Cummins – a global power leader. Bulletin 4971434. Cummins Inc. p. 13


белгиланиши мүмкін. Бу ерда В ҳарфи двигател сериясіни, 5.9 сони эса двигател литражини, 230 сони эса от кучидаги двигател қувватини билдиради⁵.

Энди В сериядаги двигателлар тузилишидаги ўзига хос хусусиятлар устида тұхталиб ўтамиз. Двигателни ўрганишни унинг умумий компановкаси ва механизмлари билан танишишдан бошлаймиз.


Двигател компановкасида цилиндрлар бир қаторға, киритиш ва чиқариш коллекторлари двигатель иккі ён томонига жойлаштирилган. Двигател блок картери чўяндан бир бутун яхлит қўйиб ясалган (2-расмга қаранг), блокда гилза ишлатилмаган. Блок-картерда мой совитгич, мой насоси, совитувчи суюқликни киритиш тешиги, сув насоси учун маҳсус жойлар мавжуд, цилиндрларга хонинглаш усулида ишлов берилган. Ҳамма цилиндрлар учун бир бутун цилиндрлар каллаги мавжуд. Киритилаётган янги зарядга айланма ҳаракат бериш ва ёниб бўлган газларнинг атмосферага чиқишидаги энергиясини сўндирилмаслик учун цилиндрлар каллагидаги киритиш ва чиқариш трактлари маҳсус формага эга. Клапанларнинг йўналтирувчи қисми цилиндрлар каллаги билан бирга қўйилган, клапанлар эгарлари индукцион тобланган. Каллақда термостат уяси ва ёнилғи фильтри каллаги ҳам жойлашган.

Кривошип-шатун механизмининг поршени тубида маҳсус шаклдаги ёниш камераси мавжуд, поршенда 2 та компрессион ва 1 та мой сидиравчи халқа ўрнатилган. Юқорида жойлашган компрессион халқани ўрнатиш жойи ейилишга чидамли никелли материал билан қопланган. Шатуннинг кривошип каллаги бурчак остида қирқилган (3-расмга қаранг). Бу ўз навбатида тирсакли вал шатун бўйни диаметрини катталаштириш

⁵ “B series engine familiarization” Bulletin 3387800 – Columbus, Indiana USA, Cummins Engine Co Inc, pp. 1-3



2-расм. B5.9 двигатели блок-картери⁶




3-расм. Двигател шатуни⁷

имконини беради, шатуннинг чидамлилигини ва хизмат муддатини оширади. Шатунни тирсакли валга бириктиришда икки қатламли, турбокомпрессор ўрнатилган двигателларда уч хил металл қатламли вкладишлардан фойдаланилган. Тўрт цилиндрли двигателларда тирсакли валнинг бир текис айланишини ва умуман двигател мувозанатланганигини яхшилаш мақсадида контрбалансир ўрнатилган.

⁶ “B series engine familiarization” Bulletin 3387800 – Columbus, Indiana USA, Cummins Engine Co Inc, p. 4

⁷ “B series engine familiarization” Bulletin 3387800 – Columbus, Indiana USA, Cummins Engine Co Inc, p. 6

Газ тақсимлаш механизмининг тақсимлаш вали ҳаракатни шестерня орқали бевосита тирсакли валдан олади, валда паст босимли ёнилғи насослари учун махсус кулачок мавжуд. Тақсимлаш вали шестерняси ўз навбатида бевосита юқори босимли ёнилғи насоси (ЮБЁН) валининг шестернясини ҳаракатга келтиради (4-расмга қаранг).




4-расм. Двигателда валларни ҳаракатлантирувчи шестерняларни жойлашиши⁸

Валнинг фақат олдинги таянчида бронза втулка ишлатилган, қолган таянчларда втулкадан фойдаланилмаган. Двигателни қисмларга ажратиб қайта йиғишида тирсакли ва тақсимлаш вали шестерняларини бир-бирига тўғри туташтириш учун шестернялардаги белгилардан фойдаланилади. Агар двигателда тақсимлаш типидаги ЮБЁН ўрнатилган бўлса, двигател ва насос маркасига қараб тақсимлаш вали ва насос вали шестернялари ҳам белгилар бўйича туташтирилади.

Дунёнинг етакчи компаниялари томонидан сўнги йилларда ишлаб чиқарилаётган двигателларда кўпроқ тўрт клапанли газ тақсимлаш механизмларидан фойдаланилмоқда. Маълумки дастлаб бензинда ишлайдиган енгил автомобилларда битта цилиндрда тўрттадан клапан ўрнатила бошлаган (Peugeot компанияси 1913 йилда биринчи марта пойгода қатнашувчи автомобилларда тўрт клапанли механизмдан фойдаланган). Бунда аксарият ҳолларда газ тақсимлаш валлари цилиндр каллагига ўрнатилади (5-6 расмларга қаранг).

Тўрт клапанли газ тақсимлаш механизмидан фойдаланилганда клапан орқали ўтиш юзаси тахминан 1.5 мартага катталашади ва натижада

⁸ “B series engine familiarization” Bulletin 3387800 – Columbus, Indiana USA, Cummins Engine Co Inc, p. 4



5-расм. Клапанларни ўрнатиши ва уларни харакатга келтириши учун қўлланилган газ тақсимлаш механизми схемалари:

a), б), в) ва г) – цилиндрлар каллагида жойлашган газ тақсимлаш валидан харакатланадиган осма клапанли; д) – пастда жойлашган газ тақсимлаш валидан харакатланадиган осма клапанли; е) – ён клапанли.

цилиндрни янги заряд билан тўлдириш ва ёниб бўлган газлардан тозалаш яхшиланади, шуни ҳисобига двигател қуввати ошади. Қуйидаги 3-жадвалда Cummins компаниясининг В серияли 2 ва 4 клапанли двигателларининг кўрсаткичлари келтирилган.



6-расм. Түрт клапанлы газ тақсимлаш механизмни

3-жадвал

*Cummins компаниясининг В серияли 2 ва 4 клапанлы двигателлари
кўрсаткичлари⁹*

Engine:	5.9L 12v Cummins (6BT)	5.9L Cummins ISB (24v)
Displacement:	359 cid, 5.9 liters	359 cid, 5.9 liters
Bore x Stroke:	4.02 inches x 4.72 inches	4.02 inches x 4.72 inches
Compression Ratio:	17.0:1	16.3:1, 17.2:1 (HO)
Injection:	Bosch VE injection pump (89-93), Bosch P7100 injection pump (94-98).	Electronically controlled Bosch VP44 injection pump, Bosch high pressure common rail system for 2003.
Aspiration:	Holset Turbocharger, intercooled 91 +	Holset Turbocharger, intercooled
Valvetrain:	12 valve (2v per cyl), solid lifter camshaft	24 valve (4v per cyl), solid lifter camshaft
Weight:	Approx. 1,100 lbs dry	Approx. 1,150 lbs dry
Horsepower:	160 - 215 HP	235 - 325 HP
Torque:	400 - 440 lb-ft	460 - 610 lb-ft

Бу жадвалдан кўриниб турибдики 4 клапанли механизм двигател қувватини таҳминан 1.5 марта ошишини таъминлаган. Умуман олганда двигател цилинтрида клапанлар сонини 4тадан ҳам кўпайтириш мумкин, лекин бунда двигателдаги деталлар сони янада кўпаяди, уни

⁹ www.cumminsengines.com

конструкцияси мураккаблашади, клапанларни харакатлантиришга сарфланаётган қувват янада ортади, двигателда носозликлар пайдо бўлиш эҳтимоли ҳам ортади ва ишончлилик кўрсаткичлари пасаяди.

Cummins компаниясининг бошқа сериядаги двигателларини тузилиши ва ишлашини компаниянинг веб саҳифасидаги маълумотлардан ёки бошқа адабиётлардан фойдаланиб ўрганиш мумкин.

Назорат саволлари

1. Бугунги кунда Ўзбекистонда қандай маркадаги тракторлар ишлаб чиқарилади?
2. Тракторлар қайси кўрсаткичига қараб синфларга бўлинади?
3. Тракторларга қандай агротехник талаблар қўйилади?
4. Дунёдаги двигателлар ишлаб чиқариш бўйича етакчи компанияларни санаб беринг.
5. Двигател поршенида халқалар сони камайиши цилиндрдаги иш жараёнига ёки двигател кўрсаткичларига қандай таъсир кўрсатади?
6. Двигател шатунининг кривошип каллагини бурчак остида кесишнинг афзаллик ва камчиликларини санаб беринг.
7. Ҳозирда фойдаланилаётган двигателларда газ тақсимлаш механизми (ГТМ) нинг қандай турлари кенг тарқалган?
8. Тўрт ва икки клапанли ГТМларини афзаллик ва камчиликларини солиширинг
- 9..Жаҳонда энг кўп двигатель ишлаб чиқарувчи компания қайси?
10. Нима учун тўрт клананли ГТМ қўлланилган? .

Фойдаланилган адабиётлар

1. Goering C.E., Stone M.L., Smith D.W., Turnquist P.K. Off road vehicle engineering principles. ASAE, USA 2006
2. Cummins – a global power leader. Bulletin 4971434. Printed in UK 06-13 Cummins Inc. - 20 p
3. “B series engine familiarization” Bulletin 3387800 – Columbus, Indiana USA, Cummins Engine Co Inc, - 23 p.
4. Интернет сайт www.perkins.com
5. Интернет сайт www.cumminsengines.com

2-мавзу: Трактор ва автомобиллар двигателлари тизимлари тузилишидаги янги конструктив ечимлар. Двигателларда

фойдаланилган электрон тизимлар

Режа:

1. Двигателларни мойлаш ва совутиш тизимидағи янги конструктив ечимлар ва уларни ишлаши.
2. Двигателларнинг таъминлаш тизимидағи янги конструктив ечимлар ва уларни ишлаши.
3. Мобил энергетик воситалар ва двигателларда фойдаланилган электрон тизимлар ва датчиклар

Таянч иборалар: мойлаш тизими, босим остида мойлаш, сачратиб мойлаш, совитии тизими, суюқлик ва ҳаво ёрдамида совитии, таъминлаш тизими, ҳавони босим билан киритиш, айланишлар частотасини ростлагичлар, юргазиб юбориш тизими, электр жиҳозлар, электрон тизимлар.

Трактор ва автомобилларда фойдаланилган поршенли ички ёнув двигателларда бири бирига ишқаланиб харакатланадиган деталлар кўп. Ишқаланиш таъсирида аксарият холларда ишқаланувчи сиртлар қизийди ва ейилади, натижада туташиш жойларида зазорни катталашади, машинани ишлашида шовқин пайдо бўлади ва деталларни хизмат муддати қисқаради. Ишқаланишни енгишга маълум катталиқдаги механик энергия сарф бўлади.


Мойлаш натижасида ишқаланишни енгишга сарфланадиган кувват камаяди, ишқаланадиган деталларнинг ейилиши секинлашади ва ишқаланишда ажралиб чиқадиган иссиқлик олиб кетилади. Бундан ташкари, мой ишқаланадиган сиртлардаги ейилиш маҳсулоти ва хар хил ифлосликларни ювиб туради, бу сиртларни коррозияланишдан саклайди ва айрим холларда туташ бўлган харакатланувчи сиртларни жисплайди.

Маълумки подшипник вал бирикмасида мойни харакатланиши гидродинамика қонунларига тўлиқ бўйсунади¹⁰.

- вал тинч турганда деталлар орасида зазор нолга teng (1-расмга қаранг)
- валнинг айланиши бошланганда мой заррачалари кенг тирқишли қисмдан тор тирқишли қисмга харакатланади ва мойнинг босим кучи ёрдамида вал подшипник марказига силжийди
- валнинг айланиш частотаси катталашиб борган сари вал подшипник марказига янада яқинроқ силжийди

¹⁰ Goering C.E., Stone M.L., Smith D.W., Turnquist P.K. Off road vehicle engineering principles. ASAE, USA 2006, pp. 99-101

- шу билан бирга валнинг айланиш частотаси шунингдек мойнинг қовушқоқлиги ортиши билан ишқаланишга кетадиган йўқотишлар ортади



1-расм. Вал ва подшипник бирикмасида мой понасининг ҳосил бўлиши

Двигател мойлаш тизими – бу ишқаланадиган сиртларга маълум харорат ва маълум босим остида керакли миқдорда мой узатиш ва мойни картер тубига қайтариш учун хизмат қиласидиган бир неча элементларни ўз ичига олади.

Двигател деталларининг ишқаланадиган сиртларига мойни узатиш усули бўйича мойлаш тизими уч хил турга бўлинади:

- сачратиб мойлаш тизими;
- босим остида (мажбурий) узатиб мойлаш тизими;
- комбинацияланган мойлаш тизими;


Хозирда мобил энергетик восита двигателларида комбинацияланган мойлаш тизими кенг қўлланилади. Бунда двигател деталларига мойни сачратиб ва босим остида узатиш усуллари қўлланилади. Комбинацияланган усулда зўрикиб ишлайдиган деталларга мой босим остида узатилади. Колган деталлар эса двигател ишлаганида унинг ички бўшлиғида сачраётган мой хисобига мойланади.

Мойлаш тизимида ишлатиладиган мой сифатли ва двигател учун мос бўлиши керак. Маълумки ёнилғи мойлаш материаллари нефтдан қайта ишлаб олинади. Нефти тахминан 86% углерод 14% водороддан ташкил топган¹¹. Мой маркаси мисол учун SAE 5W-30 (атроф муҳит ҳарорати -35дан +10⁰C гача бўлганда қўллаш тавсия этилади) кўринишида бўлиши мумкин. SAE бу Америка автомобил инженерлари жамияти деган сўзни қисқачаси, 5W-30 мойни қовушқоқлик кўрсаткичи. Ўзбекистон шароитига мос келадиган мой маркалари SAE 10W-40 (атроф муҳит ҳарорати -20 дан +40⁰C ва ундан юқори бўлганда қўллаш тавсия этилади), SAE 15W-40 (атроф муҳит ҳарорати -25дан +40⁰C ва ундан юқори бўлганда қўллаш

¹¹ Goering C.E., Stone M.L., Smith D.W., Turnquist P.K. Off road vehicle engineering principles. ASAE, USA 2006, pp. 75-79

тавсия этилади). Мойни сифат кўрсаткичи API (Америка нефть институти) стандартларига асосан белгиланади. Сифат кўрсаткичи SA, SB, SC, SD, SE ва SF мойлар карбюраторли двигателлар учун, CA, CB, CC, CD, CE ва CF кўринишида бўлган мойлар дизеллар учун (охирги икки маркали мойни сифат кўрсаткичи юқори) ишлатилади.

Cummins компаниясининг В серияли двигатели мойлаш тизимида мой насоси, мой совитгич, редукцион ва ўтказиб юбориш клапанлари, мой фильтри каби элементлар ва асосий мой магистрали, турли мой каналлари мавжуд (2-расмга қаранг).



2-расм. Двигател мойлаши тизими элементлари¹²

Мой двигател картери тубидан оралиқ шестерня орқали тирсакли валдан ҳаракатлантириувчи геротор типидаги мой насоси билан тортиб олинади. Насос мойни редукцион клапан орқали мой совитгичга узатади. Мой босими 0.449 МПа дан ошиб кетса клапан очилиб мойнинг бир қисми картерга қайтиб тўкилади, қолган қисми пластинкалари блокда совутувчи суюқлик ичидаги жойлашган мой совитгичга ўтказилади. Совитилган мой фильтрга узатилади ва у ерда фильтрловчи элемент мавжуд бўлиб, мой фильтрлаш усулида механик заррачалардан тозаланади. Тозаланган ва совитилган мойнинг бир қисми турбокомпрессорга асосий қисми эса биринчи ва иккинчи цилиндр орасидан блокни кесиб ўтиб асосий мой магистралига ўтказилади. Мой фильтри ифлосланган ҳолда фильтрга кириш ва чиқишидаги мой босимидағи фарқ 0.138 МПа дан ошиб кетса

¹² “B series engine familiarization” Bulletin 3387800 – Columbus, Indiana USA, Cummins Engine Co Inc, p. 9

ўтказиб юбориш клапани ишга тушади ва тозаланмаган бўлса ҳам мойни дигителга ўтказиб туради¹³.

Асосий мой магистрали блокнинг узунаси бўйлаб жойлашган. Магистралдан тирсакли валнинг ҳар бир ўзак подшипнигини юқори қисмига борувчи алоҳида-алоҳида каналлар мавжуд. Ўзак подшипнигини мойлаш билан бирга мой подшипникдаги ариқча ва алоҳида каналлар орқали поршенинни совитувчи соплога ва тақсимлаш вали таянчига ўтади. Бундан ташқари тирсакли валдаги ички канал орқали мой ўзак бўйнидан шатун бўйнига ҳам боради. Совитувчи соплодан мой фаввора сингари поршеннинг таг қисмига отилиб туради, бунда цилиндр деворлари мойланади, поршен яхши совийди шу билан бирга поршен бармоғи ҳам мойланади.

Газ тақсимлаш механизмининг цилиндрлар каллагида жойлашган деталларини мойлаш учун мой асосий магистралдан блокдаги алоҳида-алоҳида вертикал каналлар орқали юқорига кўтарилади. Блокдан мой прокладкадаги кичик каналча орқали цилиндрлар каллагини маҳкамлайдиган болт атрофига ўтади ва у ердан яна юқорига кўтарилиб кичик каналча орқали шайинга боради. Шайн асосидаги тешик орқали ўтаётган мой дастлаб шайн ўқини мойлайди, кейин каналча орқали шайн юқорисидаги ариқчага ўтади. Бундан кейин мой бир томонда клапан стерженларини мойлайди, иккинчи томонда эса штанга ўйиқласидан ўтиб штангани ҳам мойлайди. Двигател олд қисмидаги валларнинг шестернялари гурухи жойлашган жойга мой мой насосидаги кичик тешикча орқали доимий ўтиб туради ва бу ердаги барча шестернялар сачратиши усулида мойланади.

Тизимдаги минимал босим салт ишлаш режимида 0.069 МПа, номинал режимда эса 0.207 МПа дан кам бўлмаслиги керак. Мойлаш тизимида мой босими камайиб кетса авария сигнализацияси ишга тушади.

Двигателнинг иш цикли давомида газларнинг уртacha харорати 780-880⁰С ни ташкил этади. Газ иссиклигининг бир кисми двигател деталлари (цилиндрлар, цилиндрлар каллаги, поршенлар, клапанлар ва бошкалар)га узатилади, шунинг учун уларнинг харорати ортиб кетади. Бу деталлар бутунлай ёки етарлича совитилмаса, у холда куйидаги сабабларга кўра двигателнинг нормал ишлаши бузилиши мумкин:

- мойнинг мойлаш хоссаси ёмонлашади ва бунинг натижасида ишқаланиш билан боғлиқ йўқотишлар ортади, деталлар ейилиши тезлашади ва мой сарфи кўпаяди;

¹³ “B series engine familiarization” Bulletin 3387800 – Columbus, Indiana USA, Cummins Engine Co Inc, p. 9-13

- иш аралашмасининг эртарок аланга олиши содир бўлади;
- қўзгалувчан бирикмалардаги зазорлар кичраяди ва харакатланадиган деталларнинг қадалиб ишлаши пайдо бўлади.

Совитиш тизими двигател деталлари хароратини маълум микдорда ушлаб туриш учун хизмат килади. Двигател деталларидан иссилик атмосферага олиб кетилади. Бу иссилик энергиясининг мажбурий исрофи хисобланади. Бундай исрофлар катталиги двигател типи, унинг конструкцияси ва совитиш усулига bogлиq бўлади.

Двигател жуда совитилиб юборилмаслиги зарур, чунки бунда фойдали иссилик йукотилади, ёнилғи ёмон буғланади, кийин алангаланади, секин ёнади ва бунинг натижасида двигателнинг куввати пасаяди. Бундан ташкари, ёнилғи зарралари цилиндр деворларида конденсацияланиб улардан мойни ювиб кетади ва картерга сизиб тушиб уни суюлтиради. Бу двигателнинг мойланишини ёмонлаштиради.

Дизелни хаддан ташкари совитиб юборилиши поршен гуруҳи деталлари ва клапанларда смоласимон модда пайдо бўлишига, поршен халкаларида коксланиш юз беришига сабаб бўлади.


Двигателларда икки хил: суюқлик ва хаво билан совитиш усули қўлланилади. Суюқлик билан совитиш тизимида совитиш суюқлиги сифатида сув ёки антифриздан фойдаланилади.

Cummins компаниясининг В серияли двигатели совитиш тизимида сув насоси, вентилятор, термостат ва радиатор каби элементлар ва совитувчи суюқлик ҳаракатланувчи каналлар мавжуд.

Совитувчи суюқликни циркуляцияси яхлит йиғма қурилма бўлган сув насоси ёрдамида таъминланади. Сув насоси совитувчи суюқликни радиатордан олиб, биринчи бўлиб мой совитгич турган жойга ва у ердан цилиндрлар томонга ҳайдайди. Цилиндрларни айланиб ўтган совитувчи суюқлик блокнинг ЮБЁН жойлашган томонидан алоҳида-алоҳида каналлар орқали цилиндрлар каллагига кўтарилади (3-расмга қаранг). Каналлар орқали каллакка кўтарилган совитувчи суюқлик мос равишдаги цилиндр клапанлари кўпригини кесиб блокнинг иккинчи, ёниб бўлган газларни чиқарувчи коллектор жойлашган томонига ўтади ва шу ердан термостат томон ҳаракатланади. Термостатга етгунча совитувчи суюқлик форсункалар уяларини ҳам айланиб ўтиб уларни ҳам совутади.

Двигателдаги ҳарорат ишчи ҳароратдан паст бўлганда термостат ёпиқ ҳолатда бўлади, совитувчи суюқлик радиаторга ўтмасдан ўтказиб юборувчи канал орқали сув насоси томон ҳаракатланади. Бунда совитувчи суюқлик кичик ҳалқа билан айланади. Ишчи ҳарорат ҳосил бўлгандан кейин термостат очилади ва совитувчи суюқликни сув насосига ўтказиб

юборувчи канал беркилади, суюқлик радиатор орқали катта халқа билан айлана бошлайди. Термостат совитувчи суюқлик ҳарорати $+83^{\circ}\text{C}$ га етганда очила бошлайди ва $+95^{\circ}\text{C}$ да тўлиқ очилади. Двигателни термостатсиз умуман ишлатиб бўлмайди, чунки термостатсиз совитувчи суюқлик радиаторга ўтмасдан сув насоси томонга оқиб кетаверади ва двигателни керагидан ортиқ қизиб кетишига сабаб бўлади. Двигателда сув насоси, вентилятор ва генераторни ҳаракатга келтириш учун тирсакли вал шкивидан тасмали узатма ишлатилган ва унинг таранглигини автоматик ростлаб туриш мосламаси мавжуд.



3-расм. Двигател блогида совитувчи суюқликнинг ҳаракатланиши¹⁴

Маълумки двигателда ишлатилаётган ёнилғи турига қараб таъминлаш тизими тузилиши ва ишлаши турлича бўлади.

Дизел ёнилғисида ишлайдиган двигателларда

- анъанавий таъминлаш тизими
- инжекторли таъминлаш тизимидан

Бензинда ишлайдиган двигателларда

- карбюраторли таъминлаш тизими
- инжекторли таъминлаш тизимидан


Газда ишлайдиган двигателларда

- суюлтирилган газда ишлайдиган двигателлар таъминлаш тизими
- сиқилган газда ишлайдиган двигателлар таъминлаш тизимидан

¹⁴ “B series engine familiarization” Bulletin 3387800 – Columbus, Indiana USA, Cummins Engine Co Inc, p. 14

Таъминлаш тизимини шартли равища ёнилғи ва ҳаво билан таъминлаш каби бўлакларга бўлиш мумкин. Cummins компаниясининг В серияли двигатели ҳаво билан таъминлаш системасида қуруқ типдаги фильтрловчи элементли ҳавотозалагичдан фойдаланилган, системада ҳавонинг чангланиш даражасини кўрсатувчи индикатор мавжуд.

Двигател қувватини ошириш ва характеристикаларини яхшилаш мақсадида кўпчилик двигателларда ҳаво цилиндрларга босим билан, босим билан ростлаб ва совитилиб киритилади. Двигателларда асосан Holset ёки Garret компанияларида ишлаб чиқилган турбокомпрессорлардан фойдаланилган. Турбокомпрессорлар юқори аниқликда ясалган мукаммал узел бўлиб, ундаги турбина валининг айланиш тезлиги 120000 мин^{-1} гача этиши мумкин (4-расм).




4-расм. Турбокомпресор секциялари¹⁵

Цилиндрларга киритилаётган ҳаво босимини ростлаш учун ёниб бўлган газларнинг бир қисмини ўтказиб юбориш клапани билан билан жиҳозланган ростлагичли турбокомпрессорлардан фойдаланилди. Компрессордан чиқиб цилиндрга киритилаётган ҳаво ҳаво ёки совитувчи суюқлик ёрдамида совитилиши мумкин, бунинг учун двигателларда мос равища оралиқ совитгичларни икки хилидан фойдаланилди (5-расм). Турбина корпуси спиралсимон шаклда кичрайиб келади, ёниб бўлган газлар энергиясини сўндириласлик учун ҳар икки цилиндрга биттадан

¹⁵ “Turbocharging & Intake Air Cooling Familiarization. MidRange Engines” Bulletin 3387770 – Columbus, Indiana USA, Cummins Engine Co Inc, p. 7

иккита алохida кириш қилингандын¹⁶.



5-расм. Цилиндрларга босим остида киритилаётган ҳавони оралиқ
совитгичлар^{17,18}


Турбокомпрессор валининг айланиш тезлиги жуда юқори эканлиги ҳақида юқорида айтиб ўтгандик, турбокомпрессор учун двигател мойлаш тизимининг нормал ишлиши нақадар муҳим эканлигини эсдан чиқармаслик лозим. Турбокомпрессорни атиги бир неча сония мойсиз ишлиши катта носозликлар келтириб чиқаради. Двигателдаги янги ёки узок муддат ишламай турган турбокомпрессорни ишга туширишдан олдин унга албатта маълум микдорда мой қуиши зарур, кейин двигатель тўла юкланиш билан ишлагандан кейин уни дарҳол ўчирманг. Двигателни 3...5 минут кичик айланишларда ишлатиб турбокомпрессорни яхши шароитда совишига имкон бериш керак бўлади (6-расмга қаранг).

Ёнилғи билан таъминлаш системасида (7-расмга қаранг) ёнилғини ўлчамлари 140 микрондан катта бўлган механик заррачалардан тозалайдиган дағал ёнилғи фильтрлари, хизмат муддати 500 мотосоат бўлган бир марталик майин ёнилғи тозалаш фильтрлари; 0,021...0,173 МПа босим ҳосил қилувчи диафрагмали, поршенли ёки электрик паст босимли паст босимли ёнилғи насосларидан бири; бир плунжерли Bosch VE, роторли Stanadyne ёки Lucas каби тақсимлаш типидаги ва Bosch P, Nippodenso каби қаторли юқори босимли ёнилғи насослари (ЮБЁН)дан бири (8-расмга қаранг) ўрнатилиши мумкин. Агар двигатель қуввати 160 оқ дан катта бўлса у ҳолда кўпроқ қаторли ЮБЁН дан фойдаланилади.

¹⁶ “Turbocharging & Intake Air Cooling Familiarization. MidRange Engines” Bulletin 3387770 – Columbus, Indiana USA, Cummins Engine Co Inc, pp. 1-10


¹⁷ “B series engine familiarization” Bulletin 3387800 – Columbus, Indiana USA, Cummins Engine Co Inc, p. 16

¹⁸ “Turbocharging & Intake Air Cooling Familiarization. MidRange Engines” Bulletin 3387770 – Columbus, Indiana USA, Cummins Engine Co Inc, p. 14



6-расм. Турбокомпрессорларни мойлаш ва совитиш¹⁹

Двигателларда ёнилғи майин ёнилғи тозалаш фильтрига ўзи оқиб келиб турса паст босимли ёнилғи насослари ишлатилмаслиги ҳам мумкин. Оғир шароитларда ишлайдиган двигателларда майин ёнилғи тозалаш фильтри билан бирга сувдан тозалаш фильтрлари ҳам ишлатилади.




7-расм. Двигателни ёнилгі билан таъминлаш системаси²⁰

Тақсимлаш типидаги насослар тузилишидаги ўзига хос хусусиятлардан бири шундаки уларни ҳар бирида ички қанотли типдаги ҳайдовчи насос мавжуд. Bosch VE насосида у ёнилғини юқори босим камерасига валнинг айланиш тезлигига қараб 0,8 МПа гача бўлган босим остида узатади. ЮБЁН плунжерининг илгариланма-қайтма ҳаракати

¹⁹ “Turbocharging & Intake Air Cooling Familiarization. MidRange Engines” Bulletin 3387770 – Columbus, Indiana USA, Cummins Engine Co Inc, p. 7-8

²⁰ “Distributor Fuel System Familiarization. MidRange Engines” Bulletin 3387810 – Columbus, Indiana USA, Cummins Engine Co Inc, p. 1

туфайли ёнилғи босими ўзгаради (босим 87 МПа гача етиши мүмкін), плунжернинг айланма ҳаракати ёнилғини цилиндрлар форсункаларига навбати билан узатилишини таъминлайди. Bosch VE насосида бошқа тақсимлаш типидаги насослардаги сингари двигател тирсакли вали айланиш тезлиги ва юкланишга мос равишда ёнилғининг пуркалиш пайтини ростловчи қурилма мавжуд. Двигател вали айланиш тезлиги ошганда ички ҳайдовчи насос ҳосил қилаётган ёнилғи босими ҳам ортади ва шунга қараб ёнилғини цилиндрларга пуркалиш пайти ўзгаради. Насосда двигателни механик тўхтатиши ричаги, шунингдек ёнилғи берилишини узуб қўювчи электр клапан ҳам мавжуд, ток берилмаган пайтда клапан ёнилғини юкори босим камерасига ўтказмай қўяди. Цилиндрларга узатилаётган ёнилғи микдорини ростлаш, механик ростлагич орқали бошқариладиган дозатор ёрдамида амалга оширилади.



8-расм. Двигателга ўрнатиладиган ЮБЁН²¹

Двигателларда кўп тешикли форсункалар қўлланилган, уларнинг ёнилғини пуркай бошлаш босими 24.5 МПа.

Маълумки тракторларни ишлиши жараёнида двигателга тушаётган юкланиш ўзгарувчан бўлади. Юкланиш ернинг шароити, йўлнинг релефи ва бошқа сабабларга кўра катта қамровда ўзагаради. Двигателга таъсир қилаётган юкланишни ўзгариши унинг тирсакли валининг айланишлар частотасини ўзгаришига олиб келади. Трактор тезлигини бир меъёрда ушлаб туриш учун двигателга таъсир қиласидиган юкланиш ўзгарганда

²¹ “B series engine familiarization” Bulletin 3387800 – Columbus, Indiana USA, Cummins Engine Co Inc, p. 17

цилиндрларга узатилаётган ёқилғи миқдори ҳам ўзгариши керак. Белгиланган тезлик режимини бир текисда ушлаб туриш маҳсус ростлагич ёрдамида бажарилади.

Дизелларни айланишлар частотасини ростлагичи одатда ЮБЁН билан бирга маҳкамланиб қўйилади ва қўйидаги вазифаларни бажаради:

- ташқи мухит харорати паст бўлганда ҳамда двигателни енгил юргазиб юбориш учун ёқилғи миқдорини ушбу холатларда 1,5...2 марта ошириб беради;
- двигательни ишлаш шароитигача қиздириш вақтида ҳамда машинани вақтинча тўхтатиб турилганда дизелни минимал турғун айланишлар частотасида ушлаб туради;
- ҳайдовчи томонидан ричаг орқали белгиланган машина тезлигини унинг харакатланишига қаршилик ўзгарса ҳам ушбу холатда ушлаб туради;
- дизелни максимал белгиланган айланишлар частотасини чеклаб туради.

Ростлагичлар икки, уч ва барча режимлilarга бўлинади. Cummins компаниясининг В серияли двигателларида кўп режимли механик ростлагичлардан фойдаланилади. Айланишлар частотасини кўп режимли ростлагичларини ишлаш услуби улар ичидаги пружина ва юкларни марказдан қочма кучларининг бир бирларига қарама-қарши таъсир қилишига асосланган.


Маълумки двигательни юргизиб юбориш пайтида тирсакли вални айлантиришда сиқиладиган заряд қаршилигини ҳамда харакатдаги деталлар орасидаги ишкаланиш қаршилигини двигателнинг барча механизмлари ва тизимлари қаршилигини енгиш учун катта куч талаб килинади.

Двигательни юргизиб юбориш учун маълум бир куч билан двигатель вали айлантирилади, бу куч катталигига двигателнинг иссиқлик холати, сиқиши даражаси, цилиндрлар сони ва уларнинг ўлчамлари таъсир қиласи. Паст хароратда двигатель мойининг қовушқоқлиги ортиши туфайли бу куч ортади. Дизелларнинг сиқиши даражаси анча юқори бўлгани учун шундай қувватли карбюраторли двигателларга нисбатан уларда юргизиб юбориш кучи бир мунча катта бўлади. Ҳаво харорати 5°C дан юқори бўлганда карбюраторли двигателни юргизиб юборишида тирсакли валнинг частотаси 50 айл/мин дан кам бўлмаслигини дизелларда эса сиқиши даражаси анча катта бўлганлиги учун бу қиймат 150 айл/мин дан кам бўлмаслиги керак. Бундан кам айланишлар частотасига эга бўлганида двигательни юргизиб юбориш кийинлашади, чунки сиқилиш процессининг секин ўтишида

поршенга, цилиндр деворларига иссиклик узатиш ортади ва зичлик яхши булмаган жойлардан заряднинг ўтиб кетиши рўй беради: шу сабабларга кўра сиқиши охирида заряднинг босими ва ҳарорати пасаяди.

Cummins компаниясининг В серияли двигателларида стартерли юргазиб юбориш тизимидан фойдаланилган. Атроф-муҳит ҳарорати жуда паст бўлган ҳолатда двигательни ишончли юргазиб юбориш учун цилиндрларга киритилаётган ҳавони иситгичлардан фойдаланилган.

Сўнги йилларда двигатель цилиндрларига ёнилғи етказиб беришда электрон тизимлардан фойдаланиш тобора кенгайиб бораяпти. Common Rail тизими айнан шундай электрон тизимлардан бири ҳисобланади. Бу ёнилғи тизими 1960 йилда Швецариялик олимлар томонидан ихтиро қилинганд лекин ўша пайтда электрон датчиклар яхши ривожланмаганлиги сабабли уларни двигателларга тадбиқ қилиш имкони бўлмаган. Бу тизим дизелларда 1997 йилдан қўлланила бошлаган. Ўзбекистонда ишлатилаётган Арион-630С ва Т-7060 тракторлари двигателларида айнан шу тизимдан фойдаланилган.




9-расм. Common Rail ёнилғи узатии тизими²²

Бу тизимда ЮБЁН фақат ёнилғини катта босимини ҳосил қилиш учун керак. Тизимда ёнилғи катта босимда (2000-3000 атм) умумий труба/рампада сақланади ва у ердан форсунка/инжекторларга боради (9-

²² <https://blamper.ru/auto/wiki/dvigatel/akkumulyatornaya-sistema-neposredstvennogo-vpryska-common-rail-3540>

расмга қаранг). Инжекторлар электромагнит ёки пьезоэлектрик клапанлы, уларни очилиб ёпилиши электрон блок орқали бошқарилади. Электрон блок бир неча датчиклардан келган маълумотларга асосланиб ишлайди (10-расмга қаранг). Бу тизимда ёниш олдидан ёнилгини бир неча марта пуркалишини ташкил қилиш мумкин.



10-расм. Common Rail ёнилги узатииши тизими элеменлари

1-ҳаво датчиғи; 2-газ тақсимлаши вали ҳолатини кўрсатувчи датчик; 3-электрон бошқарув блоги; 4-ЮБЁН; 5-газ педали ҳолати учун датчик; 6-ёнилги фильтри; 7-совитувчи суюқлик температураси датчиғи; 8-тирсакли вал ҳолатини кўрсатувчи датчик; 9-форсункалар / инжекторлар; 10-ёнилги босими датчиғи; 11-юқори босим ёнилги аккумулятори / рампа; 12-рампада босимни керагидан катталашиб кетмаслиги олдини олиш учун ёнилгини чиқиши клапани

Common Rail тизимидан фойдаланилганда двигател цилиндрларида ёниш жараёни сифати кескин яхшиланади шуни хисобига двигател тежамкорлиги ва қуввати ортади. Ундан ташқари двигателдан атроф-муҳитга чиқарилаётган заҳарли газлар миқдори ҳам камаяди.

Назорат саволлари

1. Двигател мойлаш тизимида ишлатиладиган фильтрлар турлари ҳақида нималарни биласиз?
2. Мойлаш тизимидағи мой клапанлари ва совитгичлар ишлашини тушунтириб беринг.

3. Советиши тизими ишини тушунтириб беринг.
4. Двигателларда турбокомпрессордан фойдаланишнинг афзалик ва камчиликларини айтиб беринг.
5. Турбокомпрессорли двигателларда ҳавони оралиқ совитгичлардан фойдаланилганда нима ҳисобига двигатель қуввати ортади?
6. Тақсимлаш ва қаторли типдаги ЮБЁН ни бир-бирига солиштиринг, роторли тақсимлаш типидаги ЮБЁН ҳақида нималарни биласиз?
7. Двигателлар ёнилғи билан таъминлаш тизимида фойдаланилган электрон тизимлар ҳақида нималарни биласиз?
8. Common Rail ёнилғи узатиш тизимини ишлашини тушунтиринг?
9. Нима учун электрон тизим қўлланилган?
10. Ёнилғини пуркаш босими қанчага тенг?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Goering C.E., Stone M.L., Smith D.W., Turnquist P.K. Off road vehicle engineering principles. ASAE, USA 2006
2. “B series engine familiarization” Bulletin 3387800 – Columbus, Indiana USA, Cummins Engine Co Inc, - 23 p.
3. “Turbocharging & Intake Air Cooling Familiarization. MidRange Engines” Bulletin 3387770 – Columbus, Indiana USA, Cummins Engine Co Inc, - 14 p.
4. “Distributor Fuel System Familiarization. MidRange Engines” Bulletin 3387810 – Columbus, Indiana USA, Cummins Engine Co Inc, -37 p.
5. Интернет сайт <https://blamper.ru/auto/wiki/dvigatel/akkumulyatornaya-sistema-neposredstvennogo-vpryska-common-rail-3540>

3-мавзу: Трактор ва автомобиллар трансмиссияси.

Режа:

1. Мобил энергетик воситаларнинг трансмиссиялари.
2. Филдиракли тракторлар трансмиссияси ташкил этувчилари.
3. Занжирли тракторлар трансмиссияси ташкил этувчилари.
4. Автомобил трансмиссияси ташкил этувчилари.
5. Трактор ва автомобилларни бошқариш механизми, юриш қисми, ишчи ва ёрдамчи жиҳозлари.
6. Тракторлар ва бошқа ўзиюрар машиналарда фойдаланилган замонавий гидравлик жиҳозлар уларнинг афзалликлари.
7. Тракторларни агротехник кўрсаткичлари тупроқни зичлаштириш, агротехник тирқищ, қувват олиш вали ва тиркама мосламаси.

Таянч иборалар: трактор, занжирли трактор, двигател, илашии муфтаси, узатмалар қутиси, бош узатма, шестерня, вал, охирги узатма, автомобил, юриши қисми, рул, тормоз, гидравлик тизим, қувват олиш вали.

Трактор-ўзиюрар ғилдиракли ёки занжирли машина бўлиб, тиркама ёки осма қишлоқ хўжалик, йўл қуриш ва бўлак машина ҳамда қуролларни юритиш учун хизмат қиласи; бунда тиркалган ёки осилган машиналар механизмлари трактор двигателидан маҳсус қувват олиш вали (КОВ) орқали ҳаракатга келтирилиши мумкин. Трактор двигателдан ҳаракатланадиган шкив орқали стационар машиналарни ҳам ҳаракатга келтириши мумкин.

Трактор халқ хўжалигининг турли тармоқларида қўлланилади, жумладан, қишлоқ хўжалигида, йўл қурилиши ишларида, ўрмон хўжалигида, мелиорация ишларида ҳамда юк ташиш ишларида. Юқорида айтилган турли ва кўп микдордаги ишларни бажариш учун халқ ва фермер хўжаликлари турли русумдаги тракторлар керак бўлади.

Халқ хўжалиги ва фермер хўжаликлари эҳтиёжини қондиришга ишлаб чиқаришга тавсия қилинган тракторлар русумларини йифиндиси тракторларни типажини ташкил қиласи.

Автомобил транспорти йўловчи ва юкларни асосий ҳажмини бажаради. Ушбу транспорт воситаси айниқса кичик масофаларга юк ташишда юқори самарадорлик билан ишлайди.

Трактор ва автомобил шассиси трансмиссия, рул ва тормоз бошқармаси, юриш қисми, гидравлик жиҳозлар ҳамда ишчи ва ёрдамчи

жиҳозлардан иборат.

Трансмиссия буровчи моментнидвигателдан трактор ёки автомобильни етакчи ғилдиракларига (юлдузчаларига) ўзгартириб етказиб бериш учун хизмат килади.

Замонавий трактор ва автомобиль трансмиссияларни узатиш сонини ўзгартириш усули бўйича поғонали, погонасиз ва комбинациялашган бўлиши мумкин.

Поғонасиз трансмиссиялар берилган узатиш сони интервалида истаган кийматни олишга имкон беради, буни натижасида машина-трактор агрегати (МТА) ишлаши ҳамма вақт тежамкор ва унумдорли бўлади.

Поғонали трансмиссиялар белгиланган узатиш сонлари интервалига эга булиб, ушбу чекланган чегарада МТА ишлаши нисбатан самарадорли ва тежамкор бўлади.

Комбинацияланган трансмиссиялар чекланган узатма интервалида узатиш сонларини поғонасиз ўзгартиришга имкон беради. Буровчи моментни ўзгартириш усули бўйича трансмиссиялар механик, гидравлик, электрик ва комбинациялашган бўлиши мумкин. Ушбу хусусият бўйича поғонасиз трансмиссиялар механик (фрикцион, пона тасмали) гидравлик (гидродинамик ва гидроҳажмли) электрик (электромеханик) ларга бўлинади.

Поғонали трансмиссиялар ушбу хусусият бўйича механик трансмиссия бўлиб, бунда буровчи моментни ўзгартириш шестерняли редукторларда бажарилади, уларни бири узатмалар қутисида узатиш сонларни чекланган, иложи бўлган тишли жуфтликлар орқали ҳайдовчи томонидан ўзгартирилади.

Юқорида айтиб ўтилган барча трансмиссия турлари қўйидаги эксплуатацион ва ишлаб чикириш талабларига жавоб бериши лозим:

1. МТА технологиясига нисбатан двигател билан ишончли боғланиши ва ажралишини таъминлаши керак.

2. Трактор ва автомобилларни ҳаракатланишига каршилик ўзгаришига нисбатан умумий ўзатиш сонини ўзгартира олишини таъминлаши керак.

3. Орқага юришда двигатель тирсакли вали айланиш йўналишини ўзгартирмаган ҳолда трактор ва автомобильни етакчи ғилдиракларини (юлдузчаларини) айланиш йўналишини ўзгартириш имкониятига эга бўлиши керак.

4. Трактор ва автомобиль бурилаётганида ёки нотекис йўлларда ҳаракатланганида уларни чап ёки ўнг ғилдиракларига турли айланиш частоталари таъминлаш имкониятига эга бўлиши керак.


5. МТА ҳаракатланиш жараёнида унга осилган ёки тиркалган кишлок хўжалик, мелиоратив қуролларни ишли қисмларини юритиш учун двигател қувватини бир қисмини олиш имкониятига эга бўлиши керак.

6. Юқори фойдали иш коэффициенти (ФИК) ва ишончлилиги, катта қувватни узата олиши, таъмирланувчанлиги, кичик ўлчамли ва компактли бўлиши каби хусусиятлари бўлиши зарур.

Маълумки кўпчилик кишлок хўжалик трактор ва автомобилларда поғонали трансмиссиялар қўлланилиши сабабли ушбу турдаги трансмиссияларга эътиборни кўпроқ берамиз.

Поғонали трансмиссияларни асосий камчилиги буровчи моментни поғонали ростлашлиги сабабли двигател қувватидан кўпинча унумли фойдаланиш имконияти бўлмайди.

Поғонали трансмиссияларни кинематик схемалари икки турда бажарилиши мумкин. Биринчи кўпчилик машиналарда қўлланиладиган схема (1-расм) двигател қуввати тракторни етакчи ғидиракларига узатмалар кутисидан кейин таксимланади, бу ҳол уз навбатида тракторни орка кўприк корпусида битта марказий узатма жойлашишига олиб келади. Бундай схема нисбатан оддий, осон компоновкаланади ва юқори механик фойдали иш коэффициентига эга бўлади.



1-расм. Ғилдиракли ва занжирли тракторларнинг трансмиссиялари принципиал схемалари.

а-кўп ҳолларда қўлланиладиган ғилдиракли тракторни; б-одатдаги занжирли тракторни; в-куват оқими узатмалар қутисидан олдин бўлинадиган занжирли тракторни

Иккинчи тур бўйича бажарилган трансмиссияни схемасида двигател қуввати узатмалар қутисидан олдин ёки унинг ичида бўлинади, бу ҳол ўз навбатида орқа кўприкни корпусида икки алоҳида-алоҳида марказий узатма бўлишини таказо қиласи. Ушбу схемани яхши сифатларидан бири узатмалар қутиси ва марказий узатма деталларини камроқ куч юклама билан ишлашига имкон беради ва занжирли трактор орқа кўпригидаги бурилиш механизми ўлчамларини анча кичиклаштиришга имкон беради.

Келтирилган схемалардан кўриниб турибдики трансмиссия қўйидаги асосий қисмлардан иборат: тишлашиш муфтаси; оралиқ бирикма; (занжирли тракторларда) узатмалар қутиси; марказий узатма; дифференциал (ғилдиракли тракторларда); бурилиш механизмлари (занжирли тракторларда); охирги узатма; етакчи ғилдирак ёки юлдузчалар.


Кувват оқими узатмалар қутисидан олдин бўлинадиган занжирли трактор трансмиссиясида қувват оқими дизел 1 дан (1-расм, в) тишлашиш муфта 2 га келтирилди ва ундан кейин тақсимлаш редуктор 3 га, тақсимлаш редукторидан иккита параллел жойлашган валли узатмалар қутисига келтирилди. Бундай узатмалар қутиси тракторни юриб кетаётганида қувват оқимини узмасдан узатмаларни ўзгартириши мумкин. Узатмалар қутисини иккита етакланувчи валлар учларида тормоз 5 лар ва ҳар бир етакловчи юлдузчага алоҳида марказий узатма 6 лар ўрнатилган. Қолган қисмлари бошқа тракторлар кинематик схемаларидан фарқ қилмайди.

Ғилдирак схемаси 4x2 бўлган автомобилларда кўп ҳолларда двигател автомобилни олди қисмида жойлаштирилиб орқа ғилдираклар етакчи қилиб бажарилади. Ғилдирак схемаси 4x2, автомобилни 4 таянч нуқтаси бўлиб, шундан 2 таси етакчи хисобланади.

Замонавий енгил автомобилларни айримларида двигател олдида жойлаштирилиб олдинги бошқарилувчи ғилдираклар етакчи қилиб ишланган (ВАЗ-2109, Нексия, Матиз, Ласетти, Спарк ва ҳаказо).

4x2 схемали автомобил трансмиссияси 2-расмда келтирилган. Бу ерда буровчи момент двигател 1 дан тишлашиш муфта 2 орқали узатмалар қутиси 3 га етказилади. Узатмалар қутисида буровчи момент қўшилган узатмага қараб ўзгартирилди. Узатмалар қутисидан буровчи момент кардан узатма 4 орқали асосий узатма 6 га келтирилди, унда буровчи момент бироз оширилади, ундан кейин дифференциал 7 ва ярим ўқ 8

ёрдамида етакчи ғилдиракларга узатилади. Дифференциал буровчи момент M ни чап ва ўнг етакчи ғилдиракларга тақсимлаб беради (M_L , M_P). Асосий узатма, дифференциал ва ярим ўқлар умумий картерда жойлашиб етакчи кўпrik 5 ни ташкил килади.



2-расм. Гидриак схемаси 4x2 бўлган автомобил трансмиссияси схемаси
1-двигател; 2-тишилашиби муфтаси; 3-узатмалар қутиси; 4-кардан узатмаси;
5-етакчи кўпrik корпуси; 6-асосий ёки марказий узатма; 7-дифференциал; 8-ярим
ўқлар

Гидроҳажмли ва электрик трансмиссия ўрнатилган автомобилларда бир хил схема кўлланилган бўлади. Гидроҳажмли трансмиссияларда двигателдан ҳаракат оловчи насос автомобильни етакчи ғилдиракларига ўрнатилган гидромоторлар билан найсимон ўтказгичлар (трубкалар) орқали бирлаштирилган. Насосдан олинган суюқликни гидростатик босими гидромотор валларида буровчи момент кўринишида кабул килинади.

Гидростатик трансмиссиялар ҳозирда тракторларда ҳам кенг кўлланилади (4-расмга қаранг).

Электрик трансмиссияларида ички ёнув двигател генераторни ишга туширади, у ишлаб чиқсан ток етакчи ғилдиракларда ўрнатилган электродвигателларга келтирилади.

Гидравлик система

Гидравлик системалар ёки блоклар суюқликни гидросистеманинг компонентлари орасига узатиш учун ишлатилади. Одатда қаттиқ линиялар пўлатдан ясалади. Айни вақтда эгилувчан линиялар мустаҳкамланган симлар билан қопланган резинадан тайёrlанади. Ҳар қандай линияни лойиҳалашда иккита асосий тушунча мавжуд.

Система етарли даражада мустаҳкам бўлиши керак. Яъни уларга таъсир этадиган суюқликларни гидросистемадаги ортиқча босимини камайтирмасдан узатиш учун максимал босимга бардош бера оладиган бўлиши талаб этилади. Гидравлик шлангларни тайёрловчи заводлар одатда ишлаб чиқариладиган шлангларидағи энг катта босимни чегараларини кўрсатади ва шу босимга чидайдиган шланглар ишлаб чиқаради.

Пўлатдан ёки бошқа гемоген материалдан тайёрланган линиялар учун максимал рухсат этилган босим гардиши кучланиши билан чегараланган яъни блокнинг ўрта линиясига параллел бўлган линия бўйлаб узилишни чақирувчи кучланишни рухсат этилган босими қуйидаги формула билан аниқланади

$$P_{\max} = \frac{2tS_{des}}{d}$$

бу ерда

P_{\max} – рухсат этилган максимал босим, МПа;

t – блок девори қалинлиги, мм;

d – блок диаметри, мм;

S_{des} – лойиҳаланадиган блок материали учун кучланиш, МПа

Мобил энергетик воситаларида ишлатиладиган пўлат гидравлик линиялар ва резинали шланглар силлиқ каналлар сифатида қаралиши мумкин. Линияда турбулент ёки ламинар оқим ҳосил бўлиши Рейнольдсонига боғлиқ.

Хаген-Поиселли қонуни каналлардаги ламинар оқим учун босимни камайишини ҳисоблашда ишлатилади.

$$\frac{\Delta p}{L} = \frac{2.13\mu Q}{\pi d^4}$$

бу ерда


L – канал узунлиги, м

Тўлиқ турбулент оқим учун босимни камайишини ҳисоблашда қуйидаги tenglamadan foydalaniш мумкин.

$$\frac{\Delta p}{L} = \frac{5.92\mu^{0.25}\rho^{0.75}Q^{0.75}}{d^{4.25}}$$

Бу ерда 5.92 юқоридаги tenglamani соддалаштиришга имконият яратувчи доимий катталик бўлиб ҳисобланади. Блок диаметрини танлаш учун юқоридаги формулалардан foydalaniш takrorlanuvchi echimga olib keladi. Чунки блок диаметри маълум бўлмагунча Рейнольдсонини ҳисоблай олмаймиз. Юқорида келтирилган иккала tenglama ҳам 3-rasmda

келтирилган маълумотларни тайёрлаш учун фойдаланилади. Белгилаймизки Рейнольд сони 2500 дан кам бўлганда оқим қатламли ҳисобланади. Рейнольд сони 4000 дан зиёд бўлганда эса турбулент ва Рейнольд сони оралиқ звеноси учун транзит оқимли бўлиб ҳисобланади. Лойиҳаланадиган оқимни тезлигини ҳисобга олган ҳолда блокни диаметрини танлаш Рейнолд сонини ҳисоблаш учун кейинчалик 11.15 тенламадан фойдаланиш 4-расмдан фойдаланиш мумкин. Лойиҳаловчи Рейнольд сонини билган ҳолда босимни камайишини аниқ ҳисоблаш учун мос келган тенгламаларни ёки танлаш мумкин²³.



4-расм. Мой учун солишиштирма массаси 0.85 ва динамик қовушқоқлиги 27,6 МПа S бўлган гидравлик блокларда босимнинг ўзгариши

Қуйидаги тенглама ёрдамида эгилишдаги босимни камайишини ҳисоблаш мумкин.

$$\Delta p = 0.139 K \rho \frac{Q^2}{A^2}$$

бу ерда

Δp -босимни камайиши, МПа;

A – блок кундаланг кесимини боғлиқлик юзаси, мм^2 ;

K – ўлчамсиз факторлар

²³ Goering C.E., Stone M.L., Smith D.W., Turnquist P.K. Off road vehicle engineering principles. ASAE, USA 2006, pp. 278-283

Фильтрлар

Баъзи бир гидравлик компонентлардаги жуфт деталлар орасидаги тирқиши 10 мм ва ундан кам бўлади, агар жуфт деталлар орасидан шу ўлчамдаги ва ундан катта бўлган жисмлар ўтса, у холда жиддий лат ейиш билан якунланади. Шунинг учун қаттиқ зарраларни йўқотиш учун фильтрлардан фойдаланилади. Мобил энергетик воситаларда ишлатиладиган жиҳозлар учун гидравлик занжир фильтрларини ўрнатишнинг учта мантиқий жойлаштирилиши мавжуд:

- a. резервуар ва насоснинг чиқиши орасига
- b. насосдан чиқиши оқими бўйича зудлик бўйича пастга
- c. резервуар оқими бўйича фақат юқорига

Фильтрлаш учун ягона қарор сифатида кам холларда (а) жойлаштиришдан фойдаланилади, чунки резервуар орқали босимни камайтириш насоснинг кириш тешигида суюқ босимни, ва насосда кавитацион сабабларни қидириш мумкин. Кавитация билан кириш портида буғнинг формаси насосдан чиқариш каналига юқори босимда ўтишда интеграцияланади. Металл яқинида пуфакчаларни портлаши металл зарраларини пайдо қилиши ва насосга лат етказиши мумкин. Агар (в) жойлашиш қўлланилса, тизимдаги максимал босимга қарши турла олиш мумкин, шунинг учун ҳам қиммат фильтрлар зарур. (с) жойлаштиришда кўпчилик холларда иккита фильтр танлаб олинади. Насоснинг кириш жойидан катта заррачаларни (150 мкм ва катта) сақлаб қолувчи тўрли фильтрлар ёки ғовак фильтрлар резервуар чиқиши қисмидаги трубага жойлаштирилади. (с) бўйича жойлаштирилган фильтр ўлчами 2 мкм ва ундан кам бўлган заррачаларни фильтрлайди.

Ҳалқаро стандарт ташкилоти (стандартлаш бўйича ҳалқаро ташкилот) фильтрларни танлашга ёрдам берувчи нефть тозалик кодини тадбиқ қилди. Ҳалқаро стандарт ташкилоти 4406 мингта сон диапозонига асосланган бўлиб, 100 мл суюқликдаги 5 ва 15 мкм заррачалар сонини кўрсата олади. Кичик ўлчам ўйлашимизча, кичик ёки суюқликда мавжуд бўлганларга тааллуқли бўлмаса ва катта ўлчамлиси эса ейилишнинг катталигини кўрсатади. Стандартлаш бўйича Ҳалқаро ташкилотнинг квалификацион индекси 100 дан ортиқ класс кодининг намуналарини яратди. Биринчи класс 100 мл намунадаги 0 дан 2 заррачага тўғри келади. Қолган классларда юқори чегара миқдори кичик класс миқдоридан 2 баробар катта. Масалан, 2-класс 100 мл да 2-4 заррачалар учун, 12 класс 100 мл да 2000-4000 заррачалар учун, ўз вактида 13-класс 100 мл 4000-8000 заррачалар учундир.

Фильтрлашнинг (β_{fr}) узатишлар сони

$$\beta_{fr}(x) = \frac{\text{No. of particles upstream}}{\text{No. of particles downstream}}$$

бу ерда бутун сон – заррачалар ўлчами.

Фильтрни тайёрловчи завод β_{fr} қийматни заррачанинг ҳар бир ўлчами учун белгилайди, бунда заррачалар ўлчамини фильтрлаш оқими бўйича шу ўлчамгача қўшиб ва кейинчалик олиб, пастга оқим бўйича ўша ўлчамдаги заррачаларга туширади.

Бу ерда фильтрнинг ФИК беради

$$\epsilon_{fil} = \frac{\beta_{fr} - 1}{\beta_{fr}}$$

$B_{fr}(x)=2$ номинал баҳолаш дейилиб ва заррачаларнинг бутундан заррачалар ўлчами 50% гачани чиқаришга мос келади. $B_{fr}(x)=75$ ни кўпчилик ҳолатда абсолют баҳолаш деб белгилайди. Бу 98,7 га мос келади. Чиқариш ФИК % ва ундан юқори қийматларни статистик текшириш қийин.

Резервуарлар


Гидравлик системаларнинг барчасида резервуарлари бўлиб насосни узлуксиз равишда мой билан таъминлаш ва тизимдан қайтган суюқликни қайта сақлаб туриш учун хизмат қиласди.

Резервуар керакли хажмга эга бўлиши керак, чунки тизимда узлуксиз мой айланиши таъминлаши, суюқликни совутиш ва асосан тизимдаги қолдик хавони чиқиб кетиши учун ишлатилади. Агарда резервуар керакли даражада суюқликни совута ололмаса у ҳолда мой радиатори жиҳозлаш керак бўлади. Насосга киритиш канали суюқлик устунидан пастда жойлашиши керак, чунки хавони тизимга киришига тўсқинлик қиласди. Резервуарга киритиш каналини ҳам резервуарнинг ост қисмидан жойлаштириш талабга жавоб беради, чунки юқоридан киритилганда мойнинг (кўпириши) хаво пуфакчалари хосил бўлиш эҳтимоли катта. Резервуар лойихаланаётганда унга иккита киритиш порти ўрнатилади, чунки насосга қайтиб кириш бўлмаслиги учун совутиш яхшиланиши керак. Резервуарлар атмосфера билан очиқ ҳолатда боғланган бўлади. Резервуар қопқогида ҳаводаги чангнинг заррачалари кирмаслиги учун маҳсус хаво фильтрлари ўрнатилади.

Гидравлик аккумуляторлар

Гидравлик аккумуляторнинг профиль кўриниши 5-расмда келтирилган. Гидросистемага мой босим билан жўнатилганда

диагфрагманинг юқори қатламида турган газ сиқилади. Идеал газ қонуни мос холда инерт газнинг сиқилиши амалга оширилади. Сиқилган газ потенциал энергияга эга бўлади ва ўз навбатида энергиясини бериб уни қайти гидравлик энергияга айлантириб беради. Фавқулотда ҳолат даврида бу сақланган энергиядан фойдаланиш жуда кўл келади. Масалан, тормоз тизимини зудлик билан ишга туширишда, узатмаларни алмаштиришда ёки руль бошқариш тизиминидвигател ўчиб қолган даврида фойдаланишда жуда кўл келади. Гидро аккумуляторлар тизимга ноаниқ ташқи кучларни қабул қилиш учун амортизаторлар вазифасини бажариш учун ишлатилади.



5-расм. Гидравлик аккумулятор

Мой радиаторлари

Агарда резервуарнинг хажми кичик бўлган ҳолатларда гидро тизимдаги суюқликнинг совутилиши етарли даражага етмаган даврларда мой радиаторларидан фойдаланиш самаралидир. Мой радиаторлари иссиқлик алмашнувчанлик хусусиятига эга ва шу натижасида тизимдан чиқган суюқликнинг иссиқлиги ташқарига узатиб, машинанинг ишчи ҳароратигача пасайтириб беради. Мой радиаторлари тизимга етарли даража ҳароратдаги мойни қиздириб киритиш учун мойни қиздириб берувчи альтернатив ускуналардан фойдаланиш хизмат қилади.

Назорат саволлари

1. Трактор ва автомобилларнинг трансмиссияларига қандай эксплуатацион талаблар қўйилади?
2. Трактор ва автомобиллар трансмиссияси фарқларини тушинтиринг?
3. Фидирек схемалари турлича бўлган энергетик воситаларнинг трансмиссиясидаги фарқларни тушинтиринг?
4. Нима учун гидроҳажмли трансмиссия дейилади?

5. Гидростатик трансмиссияни бошқа турдаги трансмиссиядан фарқини тушинтиринг?
6. Гидроҳажмли трансмиссия нималардан ташкил топган?
7. Электрик трансмиссия нималардан ташкил топган?
8. Қайси турдаги фидирек схемалари мавжуд?
9. Нима учун фидирекли тракторларда бурилиш механизми йўқ?
10. Погонали трансмиссия камчилиги?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Goering C.E., Stone M.L., Smith D.W., Turnquist P.K. Off road vehicle engineering principles. ASAE, USA 2006
2. Srivastava A.K., Goering C.E., Rohrbach R.P., Buckmaster D.R. Engineering Principles of Agricultural Machines. 2nd Edition. ASAE USA 2006

4-мавзу: Трактор ва автомобиллар узатмалар қутилари

Режа:

1. Узатмалар қутиси кинематик схемалари ва турлари.
2. Узатмаларни юриб кетаётганда алмашлаб қўшиладиган узатмалар қутиси гидравлик механизми.
3. Автоматик тарзда ишловчи узатмалар қутиси. Гидротрансформаторлар.
4. Трактор тузилишидаги ва уни ишини бошқаришдаги янги конструктив ечимлар.

Таянч иборалар: узатмалар қутиси, кинематик схема, шестерня, вал, синхронизатор, гидравлик механизм, автомат узатмалар қутиси.

Узатмалар қутиси икки валли (бир жуфтли), уч валли (икки жуфтли), таркибий ва маҳсусларга бўлинади УК ни кириш вали бирламчи, чиқиш вали эса иккиламчи вал деб номланади.

Икки валли узатмалар қутисида кувват оқими бирламчи валдан параллел жойлашган иккиламчи валга ҳамма вақт фақат бир жуфт шестернялар орқали узатилади ва ҳар бир жуфт шестернялар алоҳида узатмани ташкил этади.

Уч валли узатмалар қутиси тракторларининг асосий узатмаларини ҳосил қилишда қувват оқими бирламчи валдан аввал қўшимча, доимо қўшилган бир жуфт цилиндрический шестернялар орқали оралиқ валга, ундан кейин эса яна бир жуфт шестернялар орқали параллел иккиламчи валга узатилади. Автомобил узатмалар қутиси факат «тўғри» узатма бирламчи валга харакат тўғридан-тўғри узатилади, колган узатмалар эса оралиқ вал ёрдамида иккиламчи валга узатилади. Шуни айтиш керакки «тўғри» узатмада узатиш сони 1 га teng ёки 1 дан кичкина бўлиши мумкин ($i = 1$ ёки $i < 1$).

Таркибий узатмалар қутиси планетар, уч валли ва икки валли узатмалар қутиси комбинациясини ташкил килади. Одатда улар тракторни бўйлама ўки бўйича кетма-кет жойлашган бўлади.

Маҳсус узатмалар қутиси одатдаги узатмалар қутисидан кинематик схемалари бўйича фарқ килади, буларга планетар узатмалар қутиси ҳам киради.

Замонавий тракторларни узатмалар қутисида узатмалар сони 5 дан 24 гача бўлиши мумкин, мазкур узатмалар трактор тезлигини 0,1 дан 35 км/соат гача ўзгартиришга имкон беради.

Автомобил узатмалар қутисида узатмалар сони 3 дан 5 гача бўлади. Трактор узатмалар қутисига нисбатан автомобил узатмалар қутисида узатмалар сони кам бўлиши сабабли улар бажарадиган ишлар кам тармоқли бўлади.

Тракторлар узатмалар қутисидаги узатмалар 3 гурӯҳга бўлинади: асосий, транспорт ва секинлаштирилган.

Асосий узатмалар трактор тезлигини 5...15 км/соат диапазони орасида таъминлайди ва ушбу тезликлар асосий қишлоқ хўжалик экинларга ишлов бериш технологик операциялари бажаришини таъминлайди.


Транспорт узатмалари тракторларни транспорт воситалари

сифатида ишлатилаётганда, ҳамда бир иш жойидан иккинчи иш жойига бориш вақтида ишлатилади. Занжирил тракторларда транспорт узатмалари 2 тагача, ғилдиракли тракторларда эса 4та ва ундан хам күп бўлиши мумкин.

Секинлаштирилган узатмалар айрим технологик жараёнларни 0,1 км/соат тезликда бажаришда ишлатилади. Бундай узатмалар сони 4 тагача бўлиши мумкин.

Автомобиллар узатмалари юқори ва қуи узатмаларга бўлинади. Юқори узатмалар автомобиллар яхши йўл шароитида харакатланаётганда ишлатилади. Қуи узатмалар автомобилни жойидан кузгатишда, баландликка кўтарилишида ва оғир йўл шароитларида қўлланилади. Орқага юриш узатмалари сони автомобилларда битта, тракторларда эса 1 дан 8 тагача бўлиши мумкин.

Узатмалар қутиси конструкцияси трактор ёки автомобилнинг вазифасига, номинал тортиш ва юк кўтариш қобилиятига, ишлатиш юкланишига боғлик бўлади. Кинематик схема шестерняларни у ёки бу узатма уланганда қўшилиш тартибини ва ишлаш услубини кузатишга ёрдам беради. Тракторларда қўлланилган узатмалар қутиси икки валли, оддий, узатмалар алмаштирилганда қувват оқимини узиб қўядиган бирламчи вал 1 дан ҳамда иккиламчи вал 9 дан иборат (1-расм). Бирламчи вал 1 га одатда қувват двигателдан тишлишиш муфта орқали келтирилади, вал 9 ни узатмалар қутисидан чиккан учи қўпчилик ҳолатда марказий узатмани етакчи конуссимон шестерняси билан бирга ишланади. Бирламчи вал 1 ни шлицаларида иккинчи ва учинчи узатмаларини қўшиш учун қўзгалувчан икки гардишли каретка 2 ўрнатилади, биринчи ва орқага юриш узатмаларини қўшиш учун эса бир гардишли каретка 4 ўрнатилади. Бирламчи вал 1 ни учи 5 га қувват олиш валини юритмаси ўрнатилиши мумкин. Иккиламчи вал 9 га олдинга юриш узатмаларини етакланувчи шестернялари ўрнатилган: 11 – биринчи узатма; 12 – учинчи узатма, ва 13 шестерня иккинчи узатма учун.




1-расм. Тракторларда құлланадиган узатмалар қутыларини принципиал кинематик схемалари

a – икки валли; б – уч валли; в – күндаланг уч валли

Узатмаларни трактор юриб кетаётганида алмашлаң қүшадиган гидравлик механизм

Гидросуюклик босим кучи билан ишлайдиган битта фрикцион муфта (2-расм) икки узатмани бошкариш учун хизмат қиласы, тракторлар узатмалар қутисида бундай муфтадан түрттә ва ундан ҳам қўп бўлиши мумкин.



2-расм. Гидравлик тизимнинг суюклик босими билан ишлайдиган икки барабанли фрикцион муфта

1-шилицали втулка; 2-шарикли подшипниклар; 3,14,16-стопорлы ҳалқа; 4,17-муттасил тишилашган шестернялар; 5-таянч диск; 6-тирсак диски; 7-кайтарувчи пружиналар; 8-сикувчи дисклар, поршен вазифасини бажаради; 9-чўян ҳалқа; 10-етакчи барабан; 11-тўкувчи ёки босим камайтирувчи клапан; 12-етакчи пўлат дисклар; 13-етакланувчи устқумали диск; 15-резинкали ҳалқа (манжет); 18-дистанцион халка; 19-шарик; 20-муҳофаза обоймаси; А-етакчи вал; Б-валнинг бўйлама тешиги; В-муфта юзасини мойлайдиган тешикчалар; Г-валнинг радиал тешиги; P_u – марказдан қочма куч.

Гидросуюклик босим кучи билан ишлайдиган муфта етакчи вал «А» ни шлиласига маҳкамланган етакчи барабан 10 ни ҳалқасимон ўйиқчасида ўрнатилган. Ҳар бир барабани икки томонида ҳалқасимон бўшлиқларцилиндр ва йўналтирувчи губчаклар тайёрланиб, уларга поршен вазифасини бажарувчи сиқувчи диск 8 лар ўрнатилади. Цилиндр-поршен бирикмаси ташки чўян ҳалқа 9 ва ички резинкали ҳалқа 15 лар билан зичланган. Барабан 10 нинг учларида бир нечта (одатда саккизта) бўйлама ўйиқчалар қилиниб, уларни ичига етакчи пўлат диск 12 ларни ташки шликалари кириб туради. Худди шундай ўлчамли шликалар поршен 8 ни ташки четида ҳам тайёрланиб уни цилиндр ичига айланниб кетмаслигини таъминлайди.

Етакчи дисклар орасига кукурсимон фрикцион материалдан тайёрланган устқумай маҳкамланган ички шлиласи мавжуд етакланувчи диск 13 лар ўрнатилади. Диск 13 лар иккита подшипник 2 ларда эркин айланувчи муттасил қўшилган шестерня 4 ва 17 лар губчакчали

шлицаларига ўрнатилган бўлади.

Бустер «Д» деб, узатмаларни қўшиш учун цилиндрни ички ҳалқасимон мой кирадиган бўшлиғига айтилади. Муфтани қўшилиши, вал «А» ни буйлама «Б» ва радиал «Г» тешикчалари орқали бустерга тақсимлагич қурилмасидан (расмда курсатилмаган) келаётган мой босими орқали бажарилади. Ушбу мой босими ёрдамида поршен 8 силжийди (расмда стрелка билан шартли кўрсатилган) ва бунинг натижасида дисклар пакети (тўплами) 12 ва 13 лар билан бир-бирига сикилиб таянч диски 6 га тирадилар. Таянч диски 6 барабан 10 ни халқасимон уйикчасига ўрнатилган стопор халқа 14 ёрдамида чегараланади. Бу холда поршен 8 губчакларини тешикчаларига ўрнатилган кайтарувчи пружина 7 лар сиқилади.

Узатма узилганда бустердан мойни иложи борича тезрок йукотиш учун поршен 8 да тукиб ташлаш клапани 11 ўрнатилган. Аммо шарик 19 га таъсир килаётган бустердаги P_d мой босими клапан тешигини ёпиб P_c марказдан кочма кучга бу тешикни очишга халакит беради ва шарикни I холатда (2, б расм) туришига мажбур килиб, мойни бустердан окиб кетишига йўл қўймайди. Шарик 19 поршен 8 ни тагига прессланган муҳофаза обойма 20 га ўрнатилган. Агар узатма ажратилса бустердаги мой босими камаяди ва марказдан қочма куч P_c таъсирида шарик II холатни (10, б расм) эгаллаб мойни тез оқиб кетиши тешиги 11 ни очади. Мой марказдан кочма куч таъсирида муфтани ички юзасига пуркалиб оқади ва шу билан бирга муфтани хам мойлаб пастга оқиб тушади.

Узатмалар қутисини гидравлик тизими фрикцион муфталарни бустерларига тегишли тартибда мой беришдан ташқари деталларни мойлаш, мойни тозалаш ва совитиш каби вазифаларни хам бажаради.


Автоматик тарзда ишлайдиган узатмалар қутиси

Автомобилларнинг автомат трансмиссияларида буровчи моментни узгаришиш бўйича энг куп таркалган қурилма автомат узатмалар қутиси ҳисобланади. Одатда гидромеханик узатмаларни автоматик қути деб айтилади.

Автоматик узатмалар қутиси қуидагилардан иборат: гидротрансформатор, механик узатмалар қутиси ва бошқариш тизимидан. Автомат узатмалар қутиси олдинги ғилдираги етакчи бўлган автомобилларда ўрнатилади ва уларнинг конструкциясига бош узатма ва дифференциал қўшилган.

Гидротрансформатордвигателдан келаётган буровчи моментни механик трансмиссияга узатади ва кийматини ўзгаришиб беради ва ундан

ташкари вибрацияни камайтиради. Гидротрансформатор (6-расм) конструкциясида насос, турбина ва реактор ғилдираклари, блокировкалайдиган муфта, эркин юриш муфтаси мавжуд.



6-расм. Гидротрансформатор умумий кўринини

Насос ғилдираги двигател тирсакли вали билан боғланган. Турбина ғилдираги механик узатмалар қутиси билан боғланган. Насос ва турбина ғилдираклари орасига кўзғалмас реактор ғилдираги жойлаштирилган. Гидротрансформатор барча ғилдираклари маълум шаклга эга бўлган куракчалар билан жиҳозланган бўлиб, уларнинг орасидан ишчи суюқликнинг ўтиши учун каналлар мавжуд.

Блокировкалаш муфтаси автомобил маълум режимларди ишлаганда гидротрансформаторни блакировкалайди. Эркин юриш муфтаси қаттиқ махкамланган реактор ғилдирагини қарама-қарши томонга айланишини таъминлайди. Гидротрансформаторнинг барча элементлари маҳсус ATF ишчи суюқлиги билан тўлдирилган корпус ичига жойлаштирилган.

Гидротрансформатор ишлаши ёпиқ цикл бўйича амалга ошади. Насос ғилдирагидан суюқлик оқими турбина ғилдирагига узатилади, сўнгра реактор ғилдирагига. Реактор куракчаларининг конструкцияси ҳисобига оқим тезлиги кучаяди. Оқим насос ғилдирагига йўналтирилади ва уни тезроқ айланишига мажбур этади, шу ҳисобига буровчи момент қиймати ортади. Гидротрансформатор ўзининг максимал буровчи моментига кичик тезлигига эришади.

Двигател тирсакли валининг айланишлар сони ортиши билан, насос ва турбина ғилдираклари бурчак тезликлари tengлашади, суюқлик оқими эса ўз йўналишини ўзгартиради. Шу пайтда эркин юриш муфтаси ишга

тушади ва реактор ғилдираги айлана бошлайди. Гидротрансформатор гидромуфта режимида ишлай бошлайди (фақат буровчи моментни узатади).

Тезликни янада ортиши билан гидротрансформатор блокировкаланади, бу пайтда блокировкалаш муфтаси уланади ва двигателдан келаётган буровчи момент тўғри механик узатмалар қутисига узатиб берилади. Гидротрансформатор барча узатмаларда блокировкаланади.

Замонавий автомат қутиларида гидротрансформаторларни сирпаниш муфтаси орқали блокировкалаш режими бўлиб, тўлиқ блокировкалашни амалга оширишга ёрдам беради. Бу режим маълум шароитларда фойдаланилади (тезлик, юкланиш) яъни автомобил тезланиш билан ҳаракатланганда натижада ёнилғи сарфини камайишига имкон беради ва узатмаларни алмаштиришда қулайликлар яратади.

Автомат қути таркибидаги механик узатмалар қутиси буровчи моментни поғонали ўзгартириш имконини яратади, ундан ташқари автомобилни орқага юришини таъминлайди. Автомат қутиларда планетар редукторлар қўлланилади. Механик қутилар одатда иккита биргалиқда ишлайдиган кетма-кет уланган планетар редукторлардан ташкил топган. Планетар редукторларнинг бирлаштирилиши зарурӣ сонли босқичларда ишлашини таъминлайди. Замонавий автомат қутилари олти босқичли, етти босқичли, саккиз босқичли (Audi, Bentley, BMV, Chrysler, Jaguar, Lexus) ва ҳатто тўққиз босқичли (Mersedes, Lend Rover).

Узатмалар қутисидаги планетар редуктор бир нечта кетма кет уланган планетар узатмалардан ташкил топган бўлиб, планетар қаторни ташкил этади. Ҳар бир планетар узатма қуёшсимон шестерня, сателлитлар, тожсимон шестерня ва водилодан иборат.

Буровчи моментни ўзгартириш ва айлантиришни узатиш битта ёки иккита планетар қатори элементлари блокировкаланиши билан амалга оширилади. Планетар қатори тожсимон шестернясини блокировкаланиши узатмалар сонини оширилишига олиб келади. Қўзғалмас қуёшсимон шестерня узатмалар сонини камайтиради. Водиланинг блокировкаланиши айланиш йўналишини ўзгаришиги олиб келади.

Блокировкани мос келувчи фрикцион муфтаси ва тормози амалга оширади. Фрикцион муфта планетар қаторларни ўзаро блокировкалайди. Тормоз қути копуси билан боғланганлиги учун редукторнинг маълум элементларини ушлаб туради. Турли хил автомат қутилар конструкцияларида кўп дискли ёки лентали тормозлар ишлатилади.

Муфталар ва тормозлар гидроцилиндрлар ёрдамида боғланган ва

улар тақсимлаш модули орқали бошқарилади. Қутининг конструкцияларида олдинга кетиш муфтаси ишлатилиши мумкин ва у водилони қарама қарши томонга айланиб кетишидан ушлаб туради.

Шундай қилиб, автомат қутининг узатмаларни алмашлаб қўшиш механизми бўлиб фрикцион муфта ва тормоз ҳисобланади. Автомат қутининг иши муфта ва тормозларнинг қўшилиши ва ажратилишидаги маълум алгоритмларни бажаришдир.

Замонавий автомат қутиларда электрон бошқарув тизими қўлланилади ва у кириш датчиги, электрон бошқарув блоки, тақсимлаш модули ва селектор дастаги. Тизимда қуйидаги датчиклар ишлатилади: Узатмалар қутисига киришдаги айланишлар сони, узатмалар қутисидан чиқишидаги айланишлар сони, ишчи суюқлиги ҳарорати, селектор дастаги ҳолати, акселератор педали ҳолати.

Узатмалар қутисининг бошқарув электрон блоки датчиклардан келаётган сигналларга ишлов беради ва тақсимлаш модули бажарувчи қурилмасига узатиладиган бошқарув сигналларини шакллантиради. Электрон блок узининг иши давомида юқори узатма ёки кичик узатмага утишни аниклаб беради. Узатмалар қутиси бошқарув блоки двигателнинг бошқарув системаси билан ўзаро боғланиб ишлайди.

Тақсимловчи модул ишчи суюқлиги оқимини бошқаради ва фрикцион муфта ва тормозларни ишга тушишини таъминлайди. У алюминий корпус ичига жойлаштирилган ва каналлар билан уланган электромагнит клапанлар ва механик узатмали золотник-тақсимлагичлардан иборат.

Узатмаларни алмаштиришни бошқариш ва суюқликни босимини ростлаш учун электромагнитли клапанлардан фойдаланилади. Узатмалар қутисини электрон бошқариш блоки электромагнит клапанларнинг ишлашини бошқариб туради. Золотник-тақсимлагичлар ишлаш режимларини ва акселератор дастаги орқали ишга туширилишини таъминлайди.

Автомат қутиларида ишчи суюқлигини айланиши ички томонидан тишлишган шетерняли ёки куракчали насос ёрдамида амалга оширилади. Насос гидротрансформатор гупчагидан ҳаракатга келтирилади. Насос узатмалар қутисининг гидравлик системасини асосини ташкил этади, ундан ташқари бунга гидравлик блок, муфта узатмаси гидроцилиндрлари ва тормозлари, қувур ўтказгичлар киради.

Автомат қутиларида ишчи суюқлигини совитиш учун мўлжалланган система амалга оширади. Ишчи суюқлиги двигателнинг совитиш системесига уланган совитгичда совитилади. Бир қатор қутиларнинг

конструкцияларида ишчи суюқлигини совитиш учун алоҳида радиатор мавжуд.

Автомат қутиларни бошқариш учун акселератор дастаги ёрдамида бошқарилади. Узатмалар қутисининг зарур бўлган ишлаш режимини танлаш учун дастакни аниқ бир ҳолатга силжитиш билан амалга оширилади:

- **P**-узоқ вақтга тўхтаб туриш режими;
- **R**-орқага юриш режими;
- **N**-нейтрал режими;
- **D**-олдинга қараб ҳаракатланиш;
- **S**-спорт режими.

Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигига турли ишларни бажаришда ARION-630C тракторидан фойдаланилмокда. Тракторнинг кўп йиллар давомида самарали ишлаши учун ундан фойдаланишининг дастлабки 100 мотосоати жуда муҳим ҳисобланади. Ушбу муддатда тракторнинг двигатели, узатмалар қутиси, трансмиссиясидаги ўзаро контактда бўладиган узел агрегатлар ва деталларнинг “чиниктирилиши” юз беради. Бу даврда трактор двигателининг паст юкланишларда ёки узатмалар қутиси нейтрал ҳолатда бўлганида нисбатан узоқ муддат ишлаши, шунингдек тракторга ҳаддан ташқари кўп юкланишлар берилиши тавсия этилмайди. Фойдаланилаётган дизел ёнилғисининг сифати, двигателдаги совутиш суюқлиги, мой ва унга берилаётган ёнилғининг ҳарорати доимий назоратга олинади.

Кичик юкланишларда ишлаш. Қисман (кичик) юкланишларда ишлаётган тракторда двигательнинг максимал айланиш частотасига эришиш учун акселератор педали тўлиқ босилади.

Катта юкланишларда ишлаш. Трактор катта юкланиш билан ишлаётганида осилган ёки тиркалган агрегат билан бажариладиган ишга қараб (масалан, шудгор қилиш, ерни чуқур юмшатиш ва х.к) тегишли узатма қўшилади. Қўлда бошқариладиган акселератор ричаги тўлиқ олдинга сурилиб, двигательнинг айланиш частотасига мос равишда тракторнинг тўлиқ қувватига эришилади. Агрегатга қаршилик (масалан, плугга тупроқнинг қаршилиги) органи сари, двигательнинг буровчи моменти ортиб боради, агрегатнинг қаршилигига мутаносиб равишда двигателининг тез айланиши сақланиб қолади. Трактор двигатели буровчи моменти ортиши ва айланиш частотаси сақланиб қолиши қисман узатмаларни юқорисидан пасткисига ўтказиш йўли билан мувозанатланади, натижада агрегатнинг иш тезлиги ортади.

Узатмалар қутиси. ARION-630C умумий вазифани бажарувчи


трактор GBA-25 русумидаги (тури “Overdrive”) GIMA узатмалар қутиси билан жиҳозланган (7-расм).

Узатмалар қутиси:

- Юклама остида қўшиладиган/ажратиладиган 4-погонали узатмалар “Quadrishift” (“Квадришифт”) модули;
- “Revershift” (“Реверсшифт”) – реверсив механизм;
- 4 та автоматлаштирилган диапазонларга эга бўлган диапазонлар модулидан иборат.

Узатмалар қутисининг реверсори юкланиш остида, ҳар бирининг 4 тадан роботлаштирилган диапазони бўлган 4 та узатма бор. Узатмалар қутиси ёрдамида олдинга ва орқага 4 тадан, жами 16 та тезлик олдинга ва 16 та тезлик орқага олиш мумкин. Тракторнинг олдинга ҳаракат тезлигини (тракторнинг орқа ғилдирагига 20.8R38 шиналари қўйилган бўлса) 2,09 км/соатдан 42,4 км/соатгача ўзгариши мумкин.

Трактор иш режимида юқори тортиш кучи билан ишлайди (масалан, плуг ёки чуқур юмшатгич тиркалган ва х.к.). Улагич гурух узатмаларининг автоматик қўшилишини блокировка қиласи. Тракторни иш режимига улагич билан ўтказилади. Узатмалар қўлда бошқариладиган акселератор ричагидаги ва тугмачаларни босиб ёки кабина таянчидаги жойлашган тугмачалар ёрдамида ўтказилади.



7-расм. АРИОН-630С тракторнинг “Квадришифт” трансмиссияси

Назорат саволлари

1. Узатмалар қутисининг қандай турлари бор?
2. Нима учун тракторлар узатмалар қутисида гидравлик сиқувчи муфта бир нечта?
3. Узатмалар неча гурухга бўлинади?
4. Автомат узатмалар қутиси нималардан ташкил топган?
5. Гидротрансформаторнинг қандай афзалликлари бор?
6. Автомат қутилари нималардан ташкил топган?
7. Ишчи суюклиги ҳарорати миқдори қандай ушлаб турилади?
8. Автомат қутиларнинг ишлаш режими қандай ўрнатилади?
9. Автомат қутилар қандай бошқарилади?
10. Автомат қутиларнинг қандай ишлаш режимлари мавжуд?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Goering C.E., Stone M.L., Smith D.W., Turnquist P.K. Off road vehicle engineering principles. ASAE, USA 2006
2. Srivastava A.K., Goering C.E., Rohrbach R.P., Buckmaster D.R. Engineering Principles of Agricultural Machines. 2nd Edition. ASAE USA 2006

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот

Хорижий двигател мисолида механизмлар тузилиши ва ишлашини ўрганиш

Ишдан мақсад: Cummins компаниясининг В серияли двигателлари кривошип-шатун ва газ тақсимлаш механизмларини тузилиши ва ишлашини ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, механизмлар ишини текшириш, ростлаш, ва хизмат кўрсатиш бўйича қўнималарга эга бўлиш.

Ишни бажариш тартиби: Cummins компаниясининг В серияли двигателлари бўйича мавжуд видеоматериаллар асосида кривошип-шатун ва газ тақсимлаш механизмларини тузилиши ва ишлашини ўзига хос хусусиятлари ўрганилади. Шу билан бирга двигатель механизмлари ишини текшириш, ростлаш ва хизмат кўрсатиш масалаларига эътибор қаратилади.

Амалий машғулотни бажариш давомида ушбу мажмууда берилган интерфаол таълим методи “Хулосалаш (Резюме, Веер)”дан фойдаланиб 2 ва 4 клапанли газ тақсимлаш механизmlари иши бир-бирига солиштирилади.

Cummins компаниясининг В серияли двигателлари компановкасида цилиндрлар бир қаторга, киритиш ва чиқариш коллекторлари двигатель икки ён томонига жойлаштирилган. Двигатель блок картери чўяндан бир бутун яхлит қўйиб ясалган, блокда гилза ишлатилмаган. Блок-картерда мой совитгич, мой насоси, совитувчи суюқликни киритиш тешиги, сув насоси учун махсус жойлар мавжуд, цилиндрларга хонинглаш усулида ишлов берилган. Ҳамма цилиндрлар учун бир бутун цилиндрлар каллаги мавжуд. Киритилаётган янги зарядга айланма ҳаракат бериш ва ёниб бўлган газларнинг атмосферага чиқишидаги энергиясини сўндириласлик учун цилиндрлар каллагидаги киритиш ва чиқариш трактлари махсус формага эга. Клапанларнинг йўналтирувчи қисми цилиндрлар каллаги билан бирга қуйилган, клапанлар эгарлари индукцион тобланган. Каллакда термостат уяси ва ёнилғи фильтри каллаги ҳам жойлашган.

Кривошип-шатун механизмининг поршени тубида махсус шаклдаги ёниш камераси мавжуд, поршенда 2 та компрессион ва 1 та мой сидирувчи халқа ўрнатилган. Юқорида жойлашган компрессион халқани ўрнатиш жойи ейилишга чидами никелли материал билан қопланган. Шатуннинг кривошип каллаги бурчак остида қирқилган. Бу ўз навбатида тирсакли вал шатун бўйни диаметрини катталаштириш имконини беради, шатуннинг чидамилигини ва хизмат муддатини оширади. Шатунни тирсакли валга бириктиришда икки қатламли, турбокомпрессор ўрнатилган двигателларда

уч хил металл қатламли вкладышлардан фойдаланилган. Тўрт цилиндрли двигателларда тирсакли валнинг бир текис айланишини ва умуман двигател мувозанатланганлигини яхшилаш мақсадида контрабалансир ўрнатилган.

Газ тақсимлаш механизмининг тақсимлаш вали ҳаракатни шестеря орқали бевосита тирсакли валдан олади, валда паст босимли ёнилғи насослари учун маҳсус кулачок мавжуд. Тақсимлаш вали шестеряси ўз

навбатида бевосита юқори босимли ёнилғи насоси (ЮБЁН) валининг шестерясини ҳаракатга келтиради. Валнинг фақат олдинги таянчида бронза втулка ишлатилган, қолган таянчларда втулкадан фойдаланилмаган. Двигателни қисмларга ажратиб қайта йиғишида тирсакли ва тақсимлаш вали шестеряларини бир-бирига тўғри туташтириш учун шестерялардаги белгилардан фойдаланилади. Агар двигателда тақсимлаш типидаги ЮБЁН ўрнатилган бўлса, двигател ва насос маркасига қараб тақсимлаш вали ва насос вали шестерялари ҳам белгилар бўйича туташтирилади. М.: ТТЗ-100К тракторида 4ВТ-3.9 двигателдиа Bocsh VE насосидан фойдаланилган, бу насосда тақсимлаш вали шестерясидаги белги насос вали шестерясидаги В ҳарфига тўғриланади.

Двигател киритиш клапанлари учун зазор 0.25 мм, чиқариш клапанлари учун 0.51мм га teng. Клапанларни ростлаш икки этапда бажарилади.

Биринчи марта биринчи цилиндр поршени юқори четки нуқта (ЮЧН) ҳолатида туриши керак. Поршенни шу ҳолатга қўйиш учун двигател ЮБЁН таг қисмида жойлашган биринчи цилиндр поршенини ЮЧН ҳолатида маҳкамловчи палецини босган ҳолда двигател вали қўлда айлантирилади. Вални секин айлантира бориб, маълум вақтдан кейин палецини тақсимлаш вали шестерясидаги чуқурчага тушганини сезамиз. Бу клапанларни ростлашдаги тирсакли валнинг биринчи ҳолати ҳисобланади. Шу ҳолатда 4 цилиндрли двигателларда 1-цилиндрдаги ҳар иккала, 2-цилиндрдаги киритиш, 3-цилиндрдаги чиқариш клапанларидаги зазор ростланади. (6 цилиндрли двигателларда эса 1-цилиндрдаги ҳар иккала, 2 ва 4-цилиндрлардаги киритиш, 3 ва 5-цилиндрлардаги чиқариш клапанларидаги зазор ростланади)

Иккинчи марта палецини шестерядаги чуқурчадан чиқариб, двигател тирсакли вали тўлиқ бир айланишга буралади. Бу тирсакли валнинг изланётган иккинчи ҳолати ҳисобланади. Шу ҳолатда қолган клапанлар ростланади.

Клапанларни биринчи марта ростлаш 1000 мотосоатдан кейин,

навбатдагилари эса ҳар 2000 мотосоатдан кейин бажарилади.

Назорат саволлари

1. Двигател компановкасида киритиш ва чиқариш коллекторларини двигателнинг икки томонига ўрнатишни қандай афзаликлари бор?
2. Турбокомпрессорли двигателлар поршени тузилишини айтинг?
3. Ўрганилган двигателда клапанларга ҳаракат қай тарзда узатилади?
4. Двигателда клапанларни иссиқлик зазори қндай текширилади?
- 5.Киритиш ва чиқариш клапанлари қандай фарқланади?
- 6.Газ тақсимлаш вали ҳаракатни қаердан олади?
- 7.Паст босимли насос ҳаракатни қаердан олади?
- 8.Поршен тубида қандай шакл бор?
- 9.Киритиш клапани тирқиши қанча?
- 10.Чиқариш клапани тирқиши қанча?

2-амалий машғулот

Хорижий двигатель мисолида тизимлар тузилиши ва ишлашини ўрганиш

Ишдан мақсад: Cummins компаниясининг В серияли двигателлари мойлаш ва совутиш тизимлари тузилиши ва ишлашини ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, механизмлар ишини текшириш, ростлаш, ва хизмат кўрсатиш бўйича кўникмаларга эга бўлиш.

Ишни бажариш тартиби: Cummins компаниясининг В серияли двигателлари бўйича мавжуд видеоматериаллар асосида двигательни мойлаш, совутиш тизимлари тузилиши ва ишлашини ўзига хос хусусиятлари ўрганилади. Шу билан бирга двигатель тизимлари ишини текшириш, ростлаш ва хизмат кўрсатиш масалаларига эътибор қаратилади.

Амалий машғулотни бажариш давомида ушбу мажмууда берилган интерфаол таълим методи “Нима учун” схемасидан фойдаланиб двигателда мой босимини пасайиб кетиш сабаблари таҳлил қилинади.

Cummins компаниясининг В серияли двигатели мойлаш тизимида мой насоси, мой совитгич, редукцион ва ўтказиб юбориш клапанлари, мой фильтри каби элементлар ва асосий мой магистрални, турли мой каналлари мавжуд.

Мой двигатель картери тубидан оралиқ шестерня орқали тирсакли валдан ҳаракатлантирилувчи геротор типидаги мой насоси билан тортиб олинади. Насос мойни редукцион клапан орқали мой совитгичга узатади.

Мой босими 0.449 МПа дан ошиб кетса клапан очилиб мойнинг бир қисми картерга қайтиб тўкилади, қолган қисми пластинкалари блокда совутувчи суюқлик ичида жойлашган мой совитгичга ўтказилади. Совитилган мой фильтрга узатилади ва у ерда фильтрловчи элемент мавжуд бўлиб, мой фильтрлаш усулида механик заррачалардан тозаланади. Тозаланган ва совитилган мойнинг бир қисми турбокомпрессорга асосий қисми эса биринчи ва иккинчи цилиндр орасидан блокни кесиб ўтиб асосий мой магистралига ўтказилади.

Мойлаш системасига 4 цилиндрли двигателларда 9.5л, 6 цилиндрли двигателларда эса 14.2л SAE 15W 40 маркали мой қўйилади. Мой фильтрини ҳар 250 мотосоатда мой билан бирга алмаштириш зарур. Двигателда фойдаланилаётган мойнинг сифат қўрсаткичига қараб мойни алмаштириш муддати 125 мото соат бўлиши ҳам мумкин.

Тизимдаги минимал босим салт ишлаш режимида 0.069 МПа, номинал режимда эса 0.207 МПа дан кам бўлмаслиги керак. Мойлаш тизимида мой босими камайиб кетса авария сигнализацияси ишга тушади.

Двигателда совитувчи суюқликни циркуляцияси яхлит йиғма қурилма бўлган сув насоси ёрдамида таъминланади. Сув насоси совитувчи суюқликни радиатордан олиб, биринчи бўлиб мой совитгич турган жойга ва у ердан цилиндрлар томонга ҳайдайди. Цилиндрларни айланиб ўтган совитувчи суюқлик блокнинг ЮБЁН жойлашган томонидан алоҳида алоҳида каналлар орқали цилиндрлар каллагига кўтарилади. Каналлар орқали каллакка кўтарилиган совитувчи суюқлик мос равишдаги цилиндр клапанлари кўпригини кесиб блокнинг иккинчи, ёниб бўлган газларни чиқарувчи коллектор жойлашган томонига ўтади ва шу ердан термостат томон харакатланади. Термостат совитувчи суюқлик ҳарорати $+83^{\circ}\text{C}$ га етганда очила бошлайди ва $+95^{\circ}\text{C}$ да тўлиқ очилади. Двигателни термостатсиз умуман ишлатиб бўлмайди, чунки термостатсиз совитувчи суюқлик радиаторга ўтмасдан сув насоси томонга оқиб кетаверади ва двигателни керагидан ортиқ қизиб кетишига сабаб бўлади. Двигателда сув насоси, вентилятор ва генераторни харакатта келтириш учун тирсакли вал шкивидан тасмали узатма ишлатилган ва унинг таранглигини автоматик ростлаб туриш мосламаси мавжуд.

Совитиш тизимида 4 цилиндрли двигателларда 7-7.9л, 6 цилиндрли двигателларда 9-9.9л (радиатор ҳажмини ҳисобга олмагандан) совитувчи суюқлик кетади. Тизимда антифриздан фойдаланиш тавсия қилинади, бу ҳолда совитувчи суюқликни тўлиқ алмаштириш муддати 2000 мото соат ёки 2 йилни ташкил этади.

Cummins компаниясининг В серияли двигатели ҳаво билан

таъминлаш системасида қуруқ типдаги фильтровчи элементли ҳавотозалагичдан фойдаланилган, системада ҳавонинг чангланиш даражасини кўрсатувчи индикатор мавжуд.

Турбокомпрессорлар юқори аниқликда ясалган мукаммал узел бўлиб, ундаги турбина валининг айланиш тезлиги 120000 мин^{-1} гача етиши мумкин. Цилиндрларга киритилаётган ҳаво босимини ростлаш учун ёниб бўлган газларнинг бир қисмини ўтказиб юбориш клапани билан билан жиҳозланган ростлагичли турбокомпрессорлардан фойдаланилади. Компрессордан чиқиб цилиндрга киритилаётган ҳаво ҳаво ёки совитувчи суюқлик ёрдамида совитилиши мумкин, бунинг учун двигателларда мос равиша оралиқ совитгичларни икки хилидан фойдаланилади.

Техник хизмат кўрсатиш талабларига асосан ҳаво тозалагични ҳар 250 мотосоатдан кейин ёки индикатор ишга тушганда чангдан тозалаш керак бўлади. Бунда ҳавотозалагичдаги фильтровчи элемент чиқариб олиниб ҳаво оқими билан (босими 3 атм) пуфлаб ёки ювиб тозаланади. Ювиб тозалашда маиший кир ювиш порошокларининг 20...25 г/л ли эритмасидан фойдаланилади, бунда сув ҳарорати $45\dots50^{\circ}\text{C}$ бўлиши керак. Фильтровчи элементни эритмага ботириб ва бир пайтда айлантириб 15...20 минут давомида ювилади, кейин тоза сувда чайқаб 50°C дан юқори бўлмаган ҳароратда астойдил қуритилади.

Двигателдаги янги ёки узоқ муддат ишламай турган турбокомпрессор-ни ишга туширишдан олдин унга албатта маълум миқдорда мой қувиш зарур, кейин двигател тўла юкланиш билан ишлагандан кейин уни дарҳол ўчирманг. Двигателни 3...5 минут кичик айланишларда ишлатиб турбокомпрессорни яхши шароитда совишига имкон бериш керак бўлади.

Ёнилғи билан таъминлаш системасида ёнилғини ўлчамлари 140 микрондан катта бўлган механик заррачалардан тозалайдиган дағал ёнилғи фильтрлари, хизмат муддати 500 мотосоат бўлган бир марталик майин ёнилғи тозалаш фильтрлари; $0,021\dots0,173 \text{ МПа}$ босим ҳосил қилувчи диафрагмали, поршенли ёки электрик паст босимли паст босимли ёнилғи насосларидан бири; бир плунжерли ёки роторли тақсимлаш типидаги ва қаторли юқори босимли ёнилғи насослари (ЮБЁН)дан бири ўрнатилиши мумкин. Двигателларда ёнилғи майин ёнилғи тозалаш фильтрига ўзи оқиб келиб турса паст босимли ёнилғи насослари ишлатилмаслиги ҳам мумкин.

Тақсимлаш типидаги насослар тузилишидаги ўзига хос хусусиятлардан бири шундаки уларни ҳар бирида ички қанотли типдаги ҳайдовчи насос мавжуд. Bosch VE насосида у ёнилғини юқори босим камерасига валнинг айланиш тезлигига қараб $0,8 \text{ МПа}$ гача бўлган босим

остида узатади. ЮБЁН плунжерининг илгариланма-қайтма ҳаракати туфайли ёнилғи босими ўзгаради (босим 87 МПа гача етиши мумкин), плунжерининг айланма ҳаракати ёнилғини цилиндрлар форсункалариға навбати билан узатилишини таъминлайди. Bosch VE насосида бошқа тақсимлаш типидаги насослардаги сингари двигател тирсакли вали айланиш тезлиги ва юкланишга мос равишда ёнилғининг пуркалиш пайтини ростловчи қурилма мавжуд. Двигател вали айланиш тезлиги ошганда ички ҳайдовчи насос ҳосил қилаётган ёнилғи босими ҳам ортади ва шунга қараб ёнилғини цилиндрларга пуркалиш пайти ўзгаради. Насосда двигателни механик тўхтатиш ричаги, шунингдек ёнилғи берилишини узиб қўювчи электр клапан ҳам мавжуд, ток берилмаган пайтда клапан ёнилғини юқори босим камерасига ўтказмай қўяди. Цилиндрларга узатилаётган ёнилғи миқдорини ростлаш, механик ростлагич орқали бошқариладиган дозатор ёрдамида амалга оширилади. ЮБЁНни двигателдан ечиб олишдан олдин двигател биринчи цилиндри поршенини юқори четки нуқта ҳолатига қўйиб насос вали қотирилади.

Двигателларда кўп тешикли форсункалар қўлланилган, уларнинг ёнилғини пуркай бошлаш босими 24.5 МПа. Форсункада тирқишли фильтр мавжуд, ёнилғини пуркай бошлаш босимини ростлаш учун форсунка ичидаги шайбалар сонини ўзгартириш керак. Форсунканинг ёнилғини пуркаш босимини ростлашда босимни юқорида кўрсатилган қийматдан 10% кам ёки 0.8 МПа кўп бўлиши рухсат этилади.

Назорат саволлари

1. Двигател мойлаш тизимидағи редукцион ва ўтказиб юбориш клапанлари қандай ишлайди?
2. Двигателни нима учун термостатсиз ишлатиб бўлмайди?
3. Тақсимлаш типидаги насосларда двигателни иш жараёнида ёнилғи пуркалишини илгарилатиш бурчаги қандай ўзгартирилади?
4. Двигателда қандай форсункадан фойдаланилган уни ишини текшириш қандай амалга оширилади?
5. Мой қайси турдаги насос билан ҳайдаб берилади?
6. Қайси турдаги мой қуйилади?
7. Қайси турдаги мой фильтри ўрнатилади?
8. Қайси турдаги паст босимли насослар ўрнатилган?
9. Қайси турдаги юқори босимли насос ўрнатилган?
10. Цилиндрларга ёнилғи узатилиши нима билан ростланади?

З-амалий машғулот

Хорижий двигател мисолида таъминлаш тизимлари тузилиши ва ишлашини ўрганиш

Ишдан мақсад: Cummins компаниясининг В серияли двигателлари таъминлаш тизимлари тузилиши ва ишлашини ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, механизмлар ишини текшириш, ростлаш, ва хизмат кўрсатиш бўйича қўникмаларга эга бўлиш.

Ишни бажариш тартиби: Cummins компаниясининг В серияли двигателлари бўйича мавжуд видеоматериаллар асосида двигателни таъминлаш тизимлари тузилиши ва ишлашини ўзига хос хусусиятлари ўрганилади. Шу билан бирга двигатель тизимлари ишини текшириш, ростлаш ва хизмат кўрсатиш масалаларига эътибор қаратилади.

Турбокомпрессорлар юқори аниқликда ясалган мукаммал узел бўлиб, ундаги турбина валининг айланиш тезлиги 120000 мин^{-1} гача етиши мумкин. Цилиндрларга киритилаётган ҳаво босимини ростлаш учун ёниб бўлган газларнинг бир қисмини ўtkазиб юбориш клапани билан билан жиҳозланган ростлагичли турбокомпрессорлардан фойдаланилади. Компрессордан чиқиб цилиндрга киритилаётган ҳаво ҳаво ёки совитувчи суюқлик ёрдамида совитилиши мумкин, бунинг учун двигателларда мос равища оралиқ совитгичларни икки хилидан фойдаланилади.

Техник хизмат кўрсатиш талабларига асосан ҳаво тозалагични ҳар 250 мотосоатдан кейин ёки индикатор ишга тушганда чангдан тозалаш керак бўлади. Бунда ҳавотозалагичдаги фильтровчи элемент чиқариб олиниб ҳаво окими билан (босими 3 атм) пуфлаб ёки ювиб тозаланади. Ювиб тозалашда майший кир ювиш порошокларининг 20...25 г/л.ли эритмасидан фойдаланилади, бунда сув ҳарорати $45\dots50^{\circ}\text{C}$ бўлиши керак. Фильтровчи элементни эритмага ботириб ва бир пайтда айлантириб 15...20 минут давомида ювилади, кейин тоза сувда чайқаб 50°C дан юқори бўлмаган ҳароратда астойдил қуритилади.

Двигателдаги янги ёки узоқ муддат ишламай турган турбокомпрессор-ни ишга туширишдан олдин унга албатта маълум миқдорда мой қўйиш зарур, кейин двигатель тўла юкланиш билан ишлагандан кейин уни дарҳол ўчирманг. Двигателни 3...5 минут кичик айланышларда ишлатиб турбокомпрессорни яхши шароитда совишига имкон бериш керак бўлади.

Ёнилғи билан таъминлаш системасида ёнилғини ўлчамлари 140 микрондан катта бўлган механик заррачалардан тозалайдиган дағал ёнилғи фильтрлари, хизмат муддати 500 мотосоат бўлган бир марталик майин ёнилғи тозалаш фильтрлари; 0,021...0,173 МПа босим ҳосил қилувчи

диафрагмали, поршенли ёки электрик паст босимли паст босимли ёнилғи насосларидан бири; бир плунжерли ёки роторли тақсимлаш типидаги ва қаторли юқори босимли ёнилғи насослари (ЮБЁН)дан бири ўрнатилиши мүмкін. Двигателларда ёнилғи майин ёнилғи тозалаш фильтрига ўзи оқиб келиб турса паст босимли ёнилғи насослари ишлатилмаслиги ҳам мүмкін.

Тақсимлаш типидаги насослар тузилишидаги ўзига хос хусусиятлардан бири шундаки уларни ҳар бирида ички қанотли типдаги ҳайдовчи насос мавжуд. Bosch VE насосида у ёнилғини юқори босим камерасига валнинг айланиш тезлигига қараб 0,8 МПа гача бўлган босим остида узатади. ЮБЁН плунжерининг илгариланма-қайтма ҳаракати туфайли ёнилғи босими ўзгаради (босим 87 МПа гача етиши мүмкін), плунжернинг айланма ҳаракати ёнилғини цилиндрлар форсункаларига навбати билан узатилишини таъминлайди. Bosch VE насосида бошқа тақсимлаш типидаги насослардаги сингари двигател тирсакли вали айланиш тезлиги ва юкланишга мос равишда ёнилғининг пуркалиш пайтини ростловчи қурилма мавжуд. Двигател вали айланиш тезлиги ошганда ички ҳайдовчи насос ҳосил қилаётган ёнилғи босими ҳам ортади ва шунга қараб ёнилғини цилиндрларга пуркалиш пайти ўзгаради. Насосда двигателни механик тўхтатиши ричаги, шунингдек ёнилғи берилишини узиб қўювчи электр клапан ҳам мавжуд, ток берилмаган пайтда клапан ёнилғини юқори босим камерасига ўтказмай қўяди. Цилиндрларга узатилаётган ёнилғи микдорини ростлаш, механик ростлагич орқали бошқариладиган дозатор ёрдамида амалга оширилади. ЮБЁНни двигателдан ечиб олишдан олдин двигател биринчи цилиндри поршенини юқори четки нуқта ҳолатига қўйиб насос вали қотирилади.

Двигателларда кўп тешикли форсункалар қўлланилган, уларнинг ёнилғини пуркай бошлаш босими 24.5 МПа. Форсункада тирқишли фильтр мавжуд, ёнилғини пуркай бошлаш босимини ростлаш учун форсунка ичидаги шайбалар сонини ўзгартириш керак. Форсунканинг ёнилғини пуркаш босимини ростлашда босимни юқорида кўрсатилган қийматдан 10% кам ёки 0.8 МПа кўп бўлиши рухсат этилади.

Таъминлаш тизимини шартли равишда ёнилғи ва ҳаво билан таъминлаш каби бўлакларга бўлиш мүмкін. Cummins компаниясининг В серияли двигатели ҳаво билан таъминлаш системасида қуруқ типдаги фильтрловчи элементли ҳавотозалагичдан фойдаланилган, системада ҳавонинг чангланиш даражасини кўрсатувчи индикатор мавжуд.

Дизелларни айланышлар частотасини ростлагичи одатда ЮБЁН билан бирга махкамланиб қўйилади ва қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ташқи мухит ҳарорати паст бўлганда ҳамда двигателни енгил юргазиб

юбориш учун ёқилғи миқдорини ушбу холатларда 1,5...2 марта ошириб беради;

- двигательни ишлаш шароитигача қиздириш вақтида ҳамда машинани вақтингча тұхтатиб турилғанда дизелни минимал турғун айланишлар частотасида ушлаб туради;
- ҳайдовчи томонидан ричаг орқали белгиланған машина тезлигини унинг харакатланишига қаршилик үзгарса ҳам ушбу холатда ушлаб туради;
- дизелни максимал белгиланған айланишлар частотасини чеклаб туради.

Ростлагичлар икки, уч ва барча режимліларга бўлинади. Cummins компаниясининг В серияли двигателларида кўп режимли механик ростлагичлардан фойдаланилади. Айланишлар частотасини кўп режимли ростлагичларини ишлаш услуби улар ичидаги пружина ва юкларни марказдан қочма кучларининг бир бирларига қарама-қарши таъсир қилишига асосланган.

ҳам камаяди.

Назорат саволлари

1. Тақсимлаш типидаги насосларда двигательни иш жараёнида ёнилғи пуркалишини илгарилатиш бурчаги қандай үзгартирилади?
2. Двигателда қандай форсункадан фойдаланилган уни ишини текшириш қандай амалга оширилади?
3. Двигателларда турбокомпрессордан фойдаланишнинг афзаллик ва камчиликларини айтиб беринг.
4. Турбокомпрессорли двигателларда ҳавони оралиқ совитгичлардан фойдаланилғанда нима ҳисобига двигатель қуввати ортади?
5. Тақсимлаш ва қаторли типдаги ЮБЁН ни бир-бирига солиширинг, роторли тақсимлаш типидаги ЮБЁН ҳақида нималарни биласиз?
6. Двигателлар ёнилғи билан таъминлаш тизимида фойдаланилған электрон тизимлар ҳақида нималарни биласиз?
7. Common Rail ёнилғи узатиш тизимини ишлашини тушунтиринг?
8. Нима учун электрон тизим қўлланилған?
10. Ёнилғини пуркаш босими қанчага teng?

4-амалий машғулот

Хорижий трактор мисолида узатмалар қутиси тузилиши ва ишлашини ўрганиш

Ишдан мақсад: CNH компаниясининг MX-135 трактори узатмалар қутисининг тузилиши ва ишлашини ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, узатмалар қутиси ишини текшириш, ростлаш, ва хизмат кўрсатиш бўйича кўнікмаларга эга бўлиш.

Ишни бажариш тартиби: CNH компаниясининг MX-135 трактори узатмалар қутисининг тузилиши ва ишлашини ўзига хос хусусиятларини ўрганилади. Шу билан бирга узатмалар қутиси ишини текшириш, ростлаш, ва хизмат кўрсатиш масалаларига эътибор қаратилади.

Узатмалар қутиси, узатмаларни юриб кетаётганда алмашлаб қўшиладиган гидравлик механизм тузилиши.

Бу русумдаги узатмалар қутиси шестернялари доимий тишлишган қилиб ишлаб чиқарилган. Барча узатмалар бир неча гурухга бўлинади, ҳар бир гурух қамровида узатмалар гидравлик тизимдан бошқариладиган фрикцион кўп дискли муфталар ёрдамида трактор ҳаракатланаётганида алмаштириб қўшилади.

Фрикцион кўп дискли муфталар CNH компанияси тракторлари ва айрим юқори синфли автомобилларда кўлланилади. Ушбу русумли узатмалар қутисини бошқариш принципининг соддалаштирилган схемасидан фойдаланилади. Етакчи, ишчи дисклари мавжуд бўлган диск муфталарнинг етакчи барабанлари бирламчи вал билан бикр уланган. Дискли етакланувчи барабанлар унга эркин кийдирилган. Етакланувчи барабанларга бирламчи валнинг етакчи шестернялари маҳкамланган. Бу шестернялар иккиласми чархга қўзгалмас қилиб ўтказилган шестернялар билан доимий тишлишган бўлади. Муфталарнинг қўшилиши ва ажратилиши гидравлик тизим суюқлигининг босим кучи билин сиқиши дискига таъсир кўрсатиб амалга оширилади. Машина ҳаракати давомида муфталардан бири қўшилган, бошқалари эса ажратилган бўлади. Узатмаларни алмашлаб қўшишда тегишли муфта ажратилиб, бошқаси қўшилади. Узатмаларни гидравлик алмашлаб қўшишнинг машинада ўрнатилган схемаларида айрим узатмалар гурухи механик усулда алмашлаб қўшиш билан тўлдириллади, чунки тракторнинг иш фаолиятида жуда кенг тезлик қамрови қўлланилади.

Назорат саволлари

1. Ўрганилган тракторнинг узатмалар қутиси қандай тузилган?
2. Узатмалар қутисида тезликлар қандай алмаштирилади?
3. Тракторда кенг қамровли тезликлар эга бўлиш нима учун муҳим?
4. Узатмалар қутисида муфталарнинг қўшилиши ва ажратилиши қандай амалга оширилади?
5. Гидравлик муфта нима учун керак?
6. Гидравлик муфта нималардан ташкил топган?
7. Бустер қурилмаси нима учун керак?
8. Ҳамма узатмалар гидравлик қўшиладими?
9. Тизимда мой нима ёрдамида ҳайдаб берилади?
- 10.Қайси турдаги фрикцион муфталар ишлатилган?

5-кўчма амалий машғулот

Тракторлар ва двигателларни синовдан ўтказиш усулларини ўрганиш ва синов натижаларини таҳлил қилиш.

Ишдан мақсад: Тракторлар ва двигателларни синовдан ўтказиш жараёнини билан танишиш, синовдан ўтказилган трактор кўрсаткичларини ўрганиш ва синов натижалари таҳлил қилиш бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилиш.

Ишни бажариш тартиби: Кўчма машғулот Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникалари ва технологияларини сертификациялаш ва синаш давлат марказида ва Қишлоқ хўжалиги техникалари заводида ўтказилади. Тракторлар ва двигателларни синовдан ўтказиш лабораторияси билан танишилади, синовдан ўтказилган трактор кўрсаткичлари ўрганилади ва синов натижалари таҳлил қилиш бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилинади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникалари ва технологияларини сертификациялаш ва синаш давлат марказида тракторлар ва двигателларни синовдан ўтказиш бўйича мавжуд стандартлар билан танишилади. Синовдан ўтказиша ишлатиладиган жиҳозлар (тормоз қурилмаси, ёнилғи сарфини ва айланишлар частотасини ўлчаш воситалари ва бошқалар) алоҳида эътибор билан ўрганилади. Синовдан ўтказилган тракторлар ва двигателлар кўрсаткичлари баённомалар асосида ўрганилади ва синов натижалари таҳлил қилина

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1. Трактор ва автомобиллар дизелларининг таъминлаш тизимида кўп учрайдиган қуидаги носозликлар бўйича кейс

Кейс топшириғи. Трактор ва автомобиллар дизелларининг таъминлаш тизимида кўп учрайдиган қуидаги носозликларга эътибор қаратинг:

1. Дизелни юргизб юбориш имкони бўлмаяпти
2. Дизел нотекис ишляяпти ва тўлиқ қувватга эриша олмаяпти
3. Дизел тутаб ишляяпти (глушителдан қора тутун чиқиши кузатиляпти)
4. Дизел тўсатдан ўчиб қолаяпти
5. Дизел тақиллаган овоз чиқариб ишляяпти
 - Ушбу носозликларни кўп ёки кам учрашини аниқланг, уларни даражаларга бўлинг ва носозликлар таҳлилини жадвал кўринишида амалга оширинг.
 - Носозликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқинг.
 - Носозликлар ва уларни бартараф этиш бўйича хulosалар ёзинг.

Кейсни бажариш босқичлари :

- Кейсдаги муаммоларни келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик групда).
- Кейсда келтирилган муаммоларни бартараф қилишда бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шархи	Инглиз тилидаги шархи
Acceleration	Тезликни ўзгариш даражаси ёки вақт бирлиги ичida тезликни ўртача ошиши	The rate of change of velocity or the average increase of velocity in a unit of time
Assembly	Деталларни жой жойига ўрнатиб машина ёки механизмни йиғиш	The putting together of a machine, or mechanism, from its component part
Belt	Ҳаракатни бир валдан иккинчисига узатишда ишлатиладиган ремен	An endless band of leather or flexible material for transmitting power from one shaft to another by running over flat, convex or grooved rim pulleys.
Bore	Цилиндрни ёки трубани ички диаметри	The internal diameter of a pipe or a cylinder
Brake	Тормоз қуrimаси, автомобилни секинлатиш ёки двигател ҳосил қилган кувватни ўлчаш учун	A device or mechanism for applying frictional resistance to the motion of a body and thereby absorbing mechanical energy by transferring it into heat to retard a vehicle, or to measure the power developed by an engine
Brake drum	Тормоз барабани	A drum or pulley attached to a wheel (or shaft), to which is applied an external band or internal brake shoes
Brake shoes	Тормоз колодкалари	The internal expanding members in a brake drum on which the renewable friction linings are mounted
Bulldozer	Бульдозер	A heavy motor-driven vehicle mounted on caterpillar tracks and pushing a broad steel blade in front to remove obstacles, to level uneven surface, etc
Bumpers	Бампер	Fenders on motor vehicles, ships, etc., for mitigating collisions.
Bypass	Суюқлик ёки газни ўтказиш учун фойдаланиладиган асосий каналдан ташқари қўшимча канал ёки шуни таъминловчи восита	A passage through which a gas or liquid is allowed to flow instead of, or in addition to, its ordinary channel, or any device for arranging this
Cam	Кулачок	A shaped component of a mechanism, such as a heart-shaped disc on a shaft,

		which determines the motion of a follower
Camshaft	Газ тақсимлаш вали	A shaft operating the valves of piston engines by means of the cams formed integrally with the shaft or keyed on to it
Car	Уч ёки ундан күп ғилдиракли автомобил	A vehicle running on three or more wheels designed primarily for non farepaying passengers
Carburetor	карбюратор	A device in which a fuel is atomized and mixed with air
Cardan shaft	Кардан вал	A shaft transmitting power as in a motor vehicle or the propeller shaft in a ship, having a cardan joint at each end
Carriage spring	Рессор	Any elastic device, often curved steel strips of varying length, interposed between the bed of a vehicle and its running gear
Centre of gravity	Оғирлик маркази	That point in a body at which its weight may be taken to act and about which it will be statically balanced though placed in any position
Chassis	Шасси	The base-frame of a vehicle
Clutch	Илашиш муфтаси	The coupling of two working parts, for example two shafts, in such a way as to permit connection or disconnection at will without the necessity of bringing both parts to rest, and when connected to transmit the required amount of power without slip
Combustion chamber	Ёниш камераси	A chamber in which combustion takes place in an internal combustion engine, a jet engine or a rocket engine
Compression ratio	Сиқиши даражаси	The ratio of the volume of the mixture in the cylinder of a piston engine before compression to the volume when compressed
Cooling system	Совутиш тизими	The system by which an engine or mechanism is cooled by air or a by a coolant
Crankcase	Картер	The housing which encloses the crankshaft and connecting rod
Crankshaft	Тирсаклы вал	The main shaft of a reciprocating engine,

		or other machine, carrying a crank or cranks for the attachment of connecting rods by the crankpin and converting the reciprocating motion to provide a rotational force
Cycle	Цикл	The sequence of operations in an internal combustion engine namely induction, compression, ignition and exhaust
Cylinder block	Цилиндрлар блоги - ички ёнув двигатели цилиндрлари жойлашган корпус детали	The body of an internal combustion engine in which the cylinders are located
Cylinder bore	Поршенли двигателлар цилиндрининг ички диаметри	The internal diameter of the cylinder of a piston engine
Cylinder head	Цилиндр каллаги - ички ёнув двигатели цилиндри юқорисидан бекитиб турувчи детал	The closed end of the cylinder of an internal combustion engine
Gasket	Зичлагич (прокладка)	A seal between two stationary parts of a machine
Gear	Шестерня, ғилдирак	Any mechanical system for transmitting motion
Governor	Ростлагич	A mechanism for governing speed by centrifugal force or by pressure
Ignition	Ёниш, ёндириш	The firing of an explosive mixture of gases in an internal combustion engine
Injection	Пуркаш	The process of injecting fuel into the cylinder
Intake stroke	Киритиш такти	Stroke of ICE in which air or air and fuel mixture induct to the cylinder
Internal combustion engine	Ички ёнув двигатели	An engine in which the combustion of a gaseous, liquid or pulverized solid fuel provides heat which is converted into mechanical work through a piston or turbine
Isothermal	Изотермик	Occuring at a constant temperature
Lever	Ричаг	A rigid rod or beam pivoted at a point with a load at one end and force applied at the other

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий- хуқуқий хужжатлар

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон фармони

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги “Ўзагротехсаноатхолдинг АЖ фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2658-сонли қарори

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3003-сонли қарори

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим хамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли қарори.

II. Maxsus адабиётлар

1. Hunt D. Farm power and machinery management. 11th edition. USA 2015
2. Goering C.E., Stone M.L., Smith D.W., Turnquist P.K. Off road vehicle engineering principles. ASAE, USA 2006
3. Srivastava A.K., Goering C.E., Rohrbach R.P., Buckmaster D.R. Engineering Principles of Agricultural Machines. 2nd Edition. ASAE USA 2006

4. Goering C.E., Hansen A.C. Engine and Tractor Powek
5. Файзиев М.М. ва бошқалар. Ички ёнув двигателлари. Т. 2007.
6. Махмудов Г., Ҳошимов Д. Автомобилларнинг электр ва электрон жиҳозлари. Т. 2003.
7. Қодиров С.М., Никитин С.Е. Автомобил ва трактор двигателлари. Т., 1992.
8. Скотников В.А., Машенский А.М., Солонский А.С. Основы теории и расчета тракторов и автомобилей. М. “Агропромиздат”, 1989.
9. Николаенко А.В. Теория, конструкция и расчет автотракторных двигателей. М. “Колос”, 1984.
10. Комилов А.И., Умиров Н.Т. ва бошқалар. Трактор ва автомобиллар. 1 қисм. Т. ”Чўлпон”, 2017.
11. Комилов А.И., Умиров Н.Т.. ва бошқалар. Трактор ва автомобиллар. 2 қисм. Т. ”Талқин”, 2008.
12. Салихов И.С. Трактор ва автомобиллар. Т. Чўлпон, 2012.
13. Гуревич А.М., Болотов А.К., Судницин В.И. Конструкция тракторов и автомобилей. М. “Агропромиздат”, 1989.
14. Каримов У. Трактор ва автомобиллар двигателлари назарияси. Т. “Мехнат”, 1989.
15. Худойбердиев Т.С. Трактор ва автомобиллар назарияси хамда хисоби. Т. “Фан ва технология”, 2006.
16. Шарипов Қ.А. Ёқилғи мойлаш материаллари. Т. “Мехнат” 2001.

Интернет ресурслар

1. www.cummins.com
2. www.cumminsengines.com
3. www.perkins.com
4. www.cnh.com
5. www.claas.com
6. <https://blamper.ru/auto/wiki/dvigatel/akkumulyatornaya-sistema-neposredstvennogo-vpryska-common-rail-3540>
7. https://books.google.co.uz/books/about/Farm_Power_and_Machinery_Management_Tent.html?id=12qU2EqIjkC&redir_esc=y
8. <https://books.google.co.uz/books?id=G1VGAAAAYAAJ&q=off+road+vehicles+engineering+principles&dq=off+road+vehicles+engineering+principles&hl=ru&sa=X&ved=0ahUKEwjZu9C2pKfMAhWmNpoKHUeID0cQ6AEIGjAA>

REVIEW

Agricultural mechanization course program prepared for the retraining and professional development of university teachers at Tashkent institute of irrigation and agricultural mechanization engineers of Uzbekistan

Increasing the educational level of the Uzbekistan population will play a major role in the economic development as Uzbekistan moves into the future. University teachers play a major role in the educating and training of the younger generation. Uzbekistan has system to regularly upgrade the professional knowledge, skills and qualification of university faculty members to provide relevant education to students. That is important to meet the agricultural challenges by utilizing modern methods and technology adapted to local conditions as Uzbekistan seeks to compete in the international market place.

University teachers of Agricultural Mechanization Program must be trained in modern agriculture technology, pedagogical methods, and technical competence to educate students who will be taking this new program. Foreign language training is another's important component to allow the university teachers to study technical agriculture information from other countries.

The program disciplines are directed towards agricultural both production and associated support industries to agriculture. Topics covered in the program include:

- Legal and regulatory topics,
- Information technologies,
- Learning a foreign language,
- Innovation in systems of agricultural tractors and automobiles (Off road vehicles),
- Modern achievements in agricultural machinery and technologies,
- Increasing the efficiency of technical systems in agro-industry,
- Best management practices.

The prepared program is a high quality program and complies with educational standard. I recommend that this program be approved and then implemented to retrain the university teachers and advance their professional development in the Agricultural Mechanization Program.

In addition suggest expanding the program the over time to include additional areas associate with power, electrical energy and post-harvest technology to meet the developing needs of Uzbekistan agriculture as it continues to modernize and the needs of Uzbekistan citizens.

Sincerely,



Thomas Bon, Ph.D., P.E.
Associate Professor of Practice
North Dakota State University, USA